O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 21 АВГУСТ, сешанба № 34 (238) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Ватаннома

ХАЛҚИМ КАМОЛИ

Ўн йил.

Бу — тарих учун атиги бир лаҳзага тенг фурсат. Бироқ озодликнинг қадр-қимматини теран англаб етишимиз учун ортимизга бир назар ташлаб олиш кифоя, деб ўйлайман. Эзгуликка йўғрилган янги асрдаги том маънода янгича ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятига эътибор берсак, жуда кўп нарсалар ўз-ўзидан равшан тортади.

Хўш, қорақалпоқ халқи кеча ким эди, бугун ким бўлди?

Аниқроқ айтганда, мустақиллик қорақалпоқ халқига нима берди?

Кеча, яъни мустабид тузум даврида халқимиз дардига дармон бўлган, очарчилик, қаҳатчилик забтига олган йилларида балиқ берган Орол денгизидан айрилди. Орол фожиаси Марказ деб аталмиш Москванинг мудҳиш сиёсати таъсирида рўй бергани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу ғайриинсоний сиёсат туфайли дарёлар денгизидан адашди, булутлар тоғлардан қочди, булоқларнинг кўзлари шафқатсиз бекитиб ташланди.

Тупроғимиз ҳар хил кимёвий ўғитлар, пестицид ва гербицид тоифасидаги заҳарлар таъсирида гиёҳванд бўлиб қолди. Боғлардан булбуллар безди.

Бу ҳам мустабид тузумнинг бизга қолдирган ижтимоий "мероси". Энг ёмони, шўро замонида қорақалпоқ деган халқ фақат қоғозда бор эди. Биз ўз она мактабимизда она тилимизда ўқиб, олий маълумот олиш имкониятига эга эмасдик. Шўро замонида "Октябрдан олиб эркинлик — бўстон" — деб бошланадиган халқимиз табиатига мутлақо ёт мадҳиясимон қўшиқларни айтардик. Қорақалпоқ деган номни ҳеч ким билмасди. Африкада қандай халқлар ва ҳатто маймунлар яшашини кўпчилик яхши биларди, лекин қорақалпоқ халқи ҳақида умуман тушунчага эга эмасди.

Айтмоқчиманки, бугун қорақалпоқ халқига жаҳон дарвозалари кенг очилди. Ҳаётимизнинг қайси жабҳаларини олиб қараманг, бугун ҳақиқатан оёғимиз билан ер босиб юрганимизни ҳис этиш мумкин. Бир мисол: бундан ўн беш йил муқаддам Қорақалпоғистонда ғалати суд жараёни бўлган. Кимсан, ТАСС фотомухбири Валентин Рихтер судга тортилган. Унинг бўйнига Қорақалпоғистондаги хўжаликларининг бири шартнома тузиб, "Қорақалпоғистон" номли ажойиб бир фотоальбомни нашр қилгани айб сифатида қўйилган. Бу суд мазкур альбом нашрдан чиққандан сўнг тўрт йил ўтиб, яъни 1986 йил бўлган. Судда шартнома тузган туман партия қўмитаси биринчи котиби, ижроқўм раиси Рихтер билан бирга қора курсида ўтирган. Улар ҳаммаси "ҳамтовоқлар" ҳисобланиб, ўн уч йилгача жазо муддати белгиланган. Агар бугунги ёш авлодга бу воқеани айтсангиз, шундай ҳам чўпчакни тўқийсизми, деб ишонмаслиги мумкин. Лекин бу воқеа ростдан ҳам бўлиб ўтган.

Хўш, китоб чиқса, нима бўпти дерсиз? Бор-йўғи суратга олган мусаввирнинг нима айби бор экан, деб ҳайрон бўласиз. Яна кимсан денг, Телеграф Агентлигининг фотомухбири!

Бу ерда шўрлик фотомухбирнинг ҳеч қандай айби йўқлиги ўша пайтда ҳам аён эди, лекин сиёсий буюртма олган Гдлян-Иванов сингари жаллодлар гуруҳи ўша фотоальбомни пахта ишига боғлашган. Рихтерни Москвадан олиб келиб, икки йилу тўрт ой ҳибсхонада қамашган, ҳужжатларни сохталаштириб, суд қилишган. Натижада халқимизнинг оқсоқоллари мустабид тузумнинг турмаларида азоб чекди. Бу найрангларини мустабид тузум ўша пайтда "адолатни тиклаш" деб атади. Худога шукрки, ўша суд ҳукми бир йилдан сўнг қайта кўрилди. Қорақалпоғистон Олий суди судьяси Клара Аллашева раислигида ўтган суд мажлисида "айбдорлар" суд залидан озод этилди.

Эътибор беринг: ўша айбноманинг асоси шартнома билан ишлашга қурилган эди. Яъни шартнома билан ишлашнинг ноқонуний эканлигида эди.

Мустақиллигимизнинг ўнинчи йилида, яъни Адлия вазирлиги тизимида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлимлари муваффақиятли ишлаётган бир пайтда, ўша қўйилган айбноманинг ўзи қулгили бўлиб кўринмайдими? Шартнома тузган икки томон ҳам ўз вазифаларини бажарган бўлса, уларда нима айб бўлиши мумкин? Агар бажармаса, бу бошқа гап эди. Мана, мустақиллик халқимизга нима берди, деган саволга жавоб: озодлик бизга адолат берди.

Мустақиллик тушунчаси қанчадан-қанча инсонларнинг тақдирига туташиб кетмаган дейсиз. Озодликка эришганимиздан сўнг Кўнғирот сода заводи, "Катекс", "Элтекс" сингари тўқимачилик мажмуалари, шиша заводи ва ниҳоят, яқинда ишга тушган "Нукус-Тўрткўл-Учқудуқ" темир йўлларига эга бўлдик. Эрта-индин Осиёни Европа билан туташтирадиган "Андижон-Нукус-Кўнғирот" автомагистрали билан Устюрт-Орол ҳудудидаги нефть ва газ конларини фойдаланишга топширилади. Қизилқум, Қоратоғ бағридаги табиий бойликларимиз бамисоли "симсим" хазинасидек соҳибларини кутиб турибди.

Энг муҳими, мустақиллик айниқса, инсон эркинлигини қонун асосида кафолатлаганидир. Айтайлик, мустабид тузумда оқловчи билан қораловчи бир-бири билан боғлиқ ҳолда иш олиб борган. Бу эса уларнинг "ҳамтовоқ" бўлишига замин яратган. Ҳозир эса адвокатлар фаолиятига мустақиллик берилгани суд жараёнининг адолатли ўтишини таъминлаяпти. Оқловчиларнинг айб қўйилишидан бошлаб жараёнга аралашуви "айбсиз айбдорларнинг" бўлмаслигини кафолатлайди. Хусусий адвокатлар, нотариуслар ва бошқа адлия тизимлари фаолиятининг амалиётга жорий этилиши инсон қадрини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бошқа бир мисол келтирайлик. Шўро замонида тадбиркор деган тушунча салбий маънога эга бўлиб, ҳақиқий ишбилармонлик шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйганлик айби билан жазоланарди. Бугун қарабсизки, тадбиркорлик қонун муҳофазасидаги инсон имкониятини очиб берадиган алоҳида тизимга айланди. Ҳатто Президентимиз ҳар бир тадбиркорнинг тақдирига ўзлари кафолат бўлишини ҳам таъкидладилар. Қизиқ, бугун ҳокимият давлат тасарруфидаги ишлаб чиқаришга рақобатчи бўлган тадбиркорни ўзи қўллаб-қувватлаяпти. Адлия вазирлигида эса тадбиркорга турлича кўринишда тазйиқ ўтказувчи давлат органларидан ҳимоя қилувчи бўлимлар ишлаб турибди.

Яна бир янгилик: аввал бизда давлат бошқаруви билан қўшилиб кетган битта партия ва хўжакўрсинга тузилган касаба, комсомол, болалар ташкилотлари сингари уч-тўрт жамоат уюшмалари бўлган бўлса, бугун Қорақалпоғистонда 183 жамоат ташкилоти, 44 диний ташкилот рўйхатга олинган. Бу эса жамият бошқарувида адолат ва ҳалол сайловлар ўтказиш тамойили устунлик қилаётганидан далолат.

Биз бугун қувончли ва машаққатли, улуғвор ва масъулиятли даврда яшамоқдамиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки фарзандлари энди ўн ёшга тўлди. Улар тимсолида халқимизнинг камоли мужассам. Ҳа, мустақиллик йиллари камолот сари ташланган дадил қадамлардир. Биз энди ёруғ йўлга чиқдик. Йўлимиз ёруғ ва равон бўлғай!

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
қорақалпоқ ёзувчиси

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига кун қолди

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ислом КАРИМОВ



Юртимиз улуғ тўй арафасида

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНИ

миллий қонунчилик, унинг яратилиши ва тараққиёт жараёнига бир назар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлади. Аввало, давлат мустақиллигининг ҳуқуқий негизини яратиш, бозор муносабатларига асосланган жамиятнинг ҳуқуқий тамойилларини белгилаш, мукаммал миллий қонунчилик тизимини шакллантириш тақозо этиларди. Бош Қомусимизда биз бунёд этаётган давлатнинг, жамиятнинг қиёфаси, шакли-шамойили теран ифодаланган. Унда халқимизнинг иродаси, руҳияти ва маданияти, шу билан бирга ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ҳам мужассамлаштирилган.

Асосий Қонунимиз негизида халқаро норма ва стандартларга уйғун бўлган янги қонунлар, миллий қонунчилик асослари яратилди. Ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Энг муҳими, қабул қилинган қонунларимиз ҳаётнинг синовларидан муваффақиятли ўтаяпти. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қонунчилик амалиётида жаҳон Парламенти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган ўзига хос беқиёс тажриба тўпланди. Қонунчилик, қонун ижодкорлигининг бетакрор ҳуқуқий тизими шакллантирилди.

10 йил мобайнида 300 дан зиёд қонун қабул қилинди. Қонунларимиз давлатимиз иқтисодий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамиятнинг барча соҳасида эркин фаолият юритишни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонунларимизда халқимизнинг миллий хусусиятлари, менталитети, турмуш тарзи, анъаналари мужассамлаштирилган бўлиб, уларни яратиш жараёнида фуқаролар фаол иштирок этмоқда. Бир сўз билан айтганда, қонунларимиз халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, бунёдкорлик салоҳиятини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ тушуниш учун яқин ўтмишимизни кўз ўнгимиздан ўтказайлик. Тоталитар тузум шароитида "Халқ қонунларни билиши шарт эмас, фақат унга бўйсуниши лозим", деган ақида ҳукмрон эди. Амалдаги қонунлар ҳам мустабид тузум манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларда халқимизнинг руҳияти, менталлитети, миллий хусусиятлари мутлақо ҳисобга олинмасди. Шундай қилиб, истиқлол йилларида шўролар тузуми даврида амал қилган қонунлардан тубдан фарқ қиладиган янги ҳуқуқий тизим яратилди. Қонунларга риоя этиш устувор тамойил тарзида эътироф этилди. Эндиликда жамиятдаги жамики ижтимоий, иқтисодий муносабатлар қонун билан бошқарилмоқда.

Истиқлол йилларида қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди.

Биз истиқлолдан нималарни кутган эдик ва нималарга эришдик? Давлат мустақиллигининг ҳуқуқий негизлари қай даражада мустаҳкамланди? Миллий қонунчилик асосларининг шаклланиши қандай кечмоқда? Қонунларимизнинг умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга уйғунлиги қай даражада? Қонун ижодкорлиги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари нимада? Қонунлар ижроси қай аҳволда ва уларнинг янада яхшироқ ишлаши учун нималар қилинмоғи керак, деган саволларга ҳар биримиз ўзимизча жавоб ахтарамиз. Қуйидаги ўзига хос давра суҳбати бевосита шу мавзуга қаратилган. Унинг иштирокчилари — Парламент аъзолари ва Адлия вазирлиги мутахассислари ана шу масалалар юзасидан мулоҳаза юритадилар.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Азалдан миллий истиқлол ҳар қандай халқнинг олий орзуси бўлиб келган. Ўн йилдирки, биз ана шундай тарихий имкониятга эга бўлдик. Олам ҳавас қилса арзийдиган дунёвий давлатни барпо этмоқдамиз. Табиийки, бундай давлатни мукаммал қонунлар тизимисиз шакллантириб бўлмайди.

Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунларимиз, аввало, миллий руҳ билан суғорилган. Яъни қонунларимизда юртимизда истиқомат қилувчи барча халқларнинг иродаси, турмуш тарзи ифода этилган. Жумладан, Оила кодексида қайси қариндошлик даражасида никоҳ тузиш мумкин эмаслиги қайд қилинган. Азалдан ака-уканинг ёки қариндош-уруғлар фарзандларининг никоҳдан ўтиши одат тарзига кирмаган. Айни шу қоида Оила кодексида ҳам ўз аксини топган. Ёки "Авесто", "Ҳидоя" каби китобларда аёлларнинг ҳуқуқлари кенг ёритилган.

Мамлакатимизда ўтган ўн йил давомида қонунларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос тажриба тўпланди. Яъни қонунларни ишлаб чиқишда учта мезонга таянилади. Биринчидан, халқимизнинг кўп йиллик тарихий, миллий, ҳуқуқий мероси ҳисобланган "Авесто", "Ҳадислар", "Ҳидоя", "Темур тузуклари" каби асарлар ва бошқа тарихий манбалар, анъаналар; иккинчидан, ҳуқуқ соҳасидаги умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар; учинчидан, чет эл юридик тажрибасидан фойдаланилади.

Буни Конституциямиз мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, унда миллий анъаналар, энг асосий ҳуқуқий қадриятлар ва ҳикматларни ҳам танлашга ҳаракат қилинган. Умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар уйғунлиги Конституциянинг муқаддима қисмида тўлақонли мужассамлаштирилган. Умуман, халқаро ҳуқуқ нормалари билан миллий қадриятларнинг уйғунлигига эришиш масаласи Бош Қонунимиз ҳамда қонунларимизда устувор масала эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бош қомусимизни тайёрлашда 100 дан ортиқ мамлакатларнинг Конституциялари ўрганиб чиқилди. Шу тариқа ҳар қандай қонунни яратишда юқоридаги 3 та тамойилга таянилади.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятини йўлга қўйишда ҳам ўзига хос йўлдан борилмоқда. Ва бу борада дунёнинг бошқа давлатлари ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган бетакрор тажриба тўпланди. Хўш, қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўзимизга мос ва ўзимизга хос қонун ижод қиладиган ва ижодкори Юртбошимиз ҳисобланади. Президентимизнинг Олий Мажлис сессияларидаги дастуриламал чиқишлари қонун ижодкорлиги фаолиятининг стратегиясини белгилаб беради. Яъни Президентимиз қонун ташаббускорлиги ваколатига эга бўлиб, бу имкониятларини ўзларининг дастурий чиқишлари орқали амалга оширади. Бу нарса шундан далолат берадики, мамлакатимизда парламент ва ижроия ҳокимияти ўртасида ўзига хос уйғунлик мужассам. Бошқа мамлакатлардаги каби Парламент ва ижроия ҳокимияти ўртасида келишмовчилик йўқ. Ягона мақсад сари ҳамжиҳатлик, бирбирини тушуниш ва қонунлар доирасидаги ўзаро келишув фаолиятимизнинг устувор йўналишидир.

Бешинчидан, аксарият қонунларимиз маслаҳатли тўй тарқамас, деган тамойил асосида яратилади. Яъни қонунларимиз лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Муҳокама жараёнида қонунларимиз халқ фикри, тафаккури ва тажрибаси билан бойитилади. Бу эса демократиянинг бевосита кўриниши сифатида намоён бўлади.

Олтинчидан, қонунларимиз муҳокамасида халқнинг бефарқлигига барҳам берилди. Яъни у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан халқ ўз фикри, муносабатини изчил баён этмоқда. Бу омил қонунларни тайёрлаш жараёнида фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги янада ошганлигидан далолат беради.

Сир эмаски, қонунлар самараси уларнинг ижроси билан боғлиқ. Қачонки, қабул қилинаган қонунлар яхши ижро этилса, у халққа ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қонунларни тайёрлаш жараёнининг мукаммал тизими шакллантирилган. Яъни қонун лойиҳалари муҳокамаси, Олий Мажлис регламенти, Олий Мажлис тўғрисида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича қонунлар қабул қилинган. Бироқ қонунларни ижро этиш жараёни ҳақида махсус қонун яратилмаган. Қонунларимиз тўлақонли ишлаяпти, деб айта олмаймиз. Айрим қонунларимиз биз кутганчалик самара бераётгани йўқ. Шу боисдан ҳам қонунлар назорати устидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш Парламентнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Парламент фаолиятининг биринчи босқичида асосий йўналиш деб белгиланган бўлса, иккинчи босқичда қонунлар ижросини Парламент томонидан назорат-таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ва шунга кўра ҳар бир қўмита, комиссиялар ўз ваколатлари доирасида соҳасига кирувчи йўналишлар юзасидан бевосита вилоятларда, жойларда қонунлар ижросини назорат-таҳлил сифатида ўрганиб бораяпти. Ҳар бир қўмита йилига камида 4 марта қонун ижросини ўрганмоқда.

Парламент назоратида асосий эътибор бевосита қонунларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларга қаратилади. Қонунларимиздаги камчиликларни тузатиш, такомиллаштириш ҳақида таклифлар тайёрланади. Умуман олганда, ҳуқуқшунос олимларимиз амалиётдан қарздор бўлиб қолмоқдалар. Қонунлар ижросига оид мавзуларда етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти. Шу маънода юридик фанлар амалиётдан бироз орқада қолмоқда. Ҳолбуки, фан амалиётдан олдинда юриши лозим. Ҳар бир қонуннинг ижро этиш моделини ишлаб чиқиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифадир. Муайян қонунларни ҳаётга татбиқ этиш модели яратилса, қонунларимиз янада самарали ишлаган бўлар эди.

(Саҳифанинг давомини 3-бетда ўқийсиз)

Термиз туманидаги "Дўстлик" ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги Чори Ёрматов бошлиқ фермер хўжалиги мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди.

* * *

Бадиий Академиянинг кўргазмалари залида ўтказилаётган "Шу азиз Ватан — барчамизники!" фестивалида бу гал пойтахтимиз — Тошкент шаҳри мезбонлик қилди.

* * *

Мустақиллик байрами арафасида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси мамлакатимизнинг бир неча вилоятларида "Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши" мавзусида илмий-амалий анжуманлар ўтказди.

Қарши шаҳрида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" мавзусида "Камолот кунлари" ўтказилди.

* * *

"Туркистон" саройида "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрами ўтказилди.

* * *

Олий Мажлисда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

Олий Мажлиснинг VI сессияси олдидан Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган "Қонунлар муҳокамаси: юксак маънавийлик ва ҳуқуқий маданият" мавзусидаги анжуманда Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаси ҳақида гап борди.

ЁРУҒ КУНЛАР ШУКУҲИ

Бундан ўн беш йил муқаддам "Келажакда колхозлар тугатилиб, ерлар деҳқонларга бўлиб берилади", деган одам, ҳеч шубҳасиз "халқ душмани" бўлиб чиқарди. "Қулоқ"лардан энди қутулдик, тарих ғилдирагини орқага айлантирмоқчимисан", дейишарди. «Йўқ, оғайнилар, "қулоқ" деганлари ўз ерида меҳнат қилиб, шундан бойиган», десангиз, мешчанликда айблашарди. Ана шундай шубҳа ва гумонлар замонини бошимиздан кечирдик. Не-не алломаларнинг бешигини тебратган бир халқ бокимандалик қурбони бўлди.

Бундан саккиз йилча бурун Булунғур туманида деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси сифатида иш бошладим. Ўн нафарга яқин фермеримиз бор бўлиб, хўжалик раҳбарлари уларнинг ишига тўсқинлик қилгани қилган эди. Иш шунгача бориб етдики, бизнинг масаламиз ҳокимиятда кўриб чиқиладиган бўлди. Замоннинг зайлини қарангки, энди ўша раисларнинг кўпчилиги фермер бўлиб олган. Яна қандай фермер бўлган денг, хўжаликнинг техникасини арзон-гаровга сотиб олиб, ернинг унумдор жойини эгаллаб олишган. Бизнинг фермерларимиз тупроқ чангаллаб, тийинни тийинга уриштириб шаклланишди. Ҳозир ўша фермерлар ўз техникасига, баъзилари эса хомашёни қайта ишлайдиган саноат шахобчаларига ҳам эга. Бу нимадан дарак беради? Бу — ернинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлгани, заминдорлар тоифаси шаклланаётганлигини англатади.

Юртбошимиз ҳар бир йиғилишда "ғайрати бор инсонларга имкон берайлик, ўрта ва кичик бизнеси, фермерчиликни ривожлантирайлик", дея қайта-қайта таъкидлашлари замирида эртанги кунимиз билан боғлиқ катта ҳикмат бор. Шунга қарамасдан, ҳалигача сунъий тўсиқлар тўла бартараф бўлган, деб айтолмайман. Хўш, бунга сабаб нима? Менимча, ўрта бўғин раҳбарларининг айримлари онгида эскича дунёқараш ўрнашиб қолган. Бироқ табиий жараён яна бир-икки йилда фермерчилик фаолиятига тўлиқ ўтишимизни кўрсатиб турибди.

Ҳозир Самарқанд вилоятида 7 мингга яқин фермерлар хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Уларнинг ихтиёрида 71 минг гектардан зиёдроқ ер майдони мавжуд. Жорий йил ғалла мавсумида фермерларимиз гектаридан 60, ҳатто 80 центнергача ҳосил олди. Ҳозирги кунгача гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга, сут ишлаб чиқариш 35 фоизга кўпайди.

Энди хўжаликлар билан фермерларнинг юртимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини Булунғур тумани мисолида таққослаб берсам: ўтган йили Булунғур тумани 500 (беш юз) миллион сўм соф даромад билан йилни якунлаган. Ана шу даромаднинг 400 (тўрт юз) миллион сўми фермерлар ҳисобига тўғри келади. Бундай фермерларнинг ер майдони 5 минг гектарга яқин бўлса, хўжаликлар ҳисобидаги ер майдони 10 минг гектарни ташкил этади. Демак, бу рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, агар ана шу 10 минг гектар ер майдони фермерлар ихтиёрида бўлганда эди, туман хазинасига бир миллиард сўм соф даромад тушган бўларди. Мана, сизга фермерчилик ҳаракатининг оддий арифметик мисоли.

Шундай бўлса-да, фермерларимиз бирон-бир ишни бошлаш учун ҳанузгача банкларда саргардон бўлаяпти. Шу йилнинг ўтган 6 ойида Самарқанд вилояти бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 6 миллиард 579 миллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса-да, деҳқон-фермерлар шундан атиги 352 миллион сўмини олган, холос. Уюшма вакиллиги маблағларидан эса атиги 10 миллион 400 (тўрт юз) минг сўмини берилган. Ўртада мавжуд бўлган сунъий тўсиқлар туфайли фермерлар банклардан қуруқ қўл билан чиқаяпти. Минерал ўғитлар олишда ҳам шу аҳвол. "МТП" деган ташкилот бор. Бу ҳам фермернинг ёнини олмаяпти. Фермер механизаторга ёнилғи олиб беради, қорнини тўйғазади, чўнтагига пул ҳам солиб қўйгани етмагандек, яна тузган шартномаси бўйича "МТП"га пул ҳам ўтказади.

Яқинда вилоятда тадбиркорлар, деҳқон-фермердар билан бўлиб ўтган мулоқотда Окдарё туманидаги "Маҳкам ота" фермер хўжалиги раиси Тошпўлат Жўраев жўяли бир фикрни ўртага ташлади: деҳқон-фермерларга аксарият унумдорлиги паст бўлган ер майдонлари берилган. Лекин белгиланган режа унумдор ерларга белгиланган режа билан бир хил. Буни қандай тушуниш керак? Шунинг учун бундан буён ерни балл-банитет бўйича баҳолаб, шунга қараб режани белгилаш лозим. Яна бир қизиқ ҳолат шуки, фермер унумдорлиги паст бўлган ерда деҳқончилик қилиб, ғалла режасини бажарган бўлса, ўша ҳудуддаги хўжалик унумдор ерларга эга бўлишига қармасдан, режани бажаролмаган. Бу каби мисоллар фермер хўжаликлари олдида бир қанча муаммолар кўндаланг турганини кўрсатади. Шундай бўлса-да, ғишт қолипдан кўчган. Энг муҳими, муз ўрнидан силжиди. Деҳқон-фермер ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қиладиган замон келди. Деҳқончиликка янги давр нафаси, ёруғ кунлар ҳарорати кириб келмоқда. Бу ёруғ кунлар шукуҳидан далолат.

Анорбой САМАДОВ,
деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг Самарқанд вилоят вакиллиги директори

ҲАМЖИҲАТЛИК ИШНИ ОЛДИНГА СИЛЖИТАДИ

Яқинда Жиззах туманининг тадбиркор ва фермерлари билан туман раҳбарлари ўртасида амалий мулоқот бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Комил Қобилов, Олий Мажлис вакили Шерқул Шобўтаев, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ҳасан Йўлдошев, вилоятдаги барча банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Мулоқотни бошлаб берган туман ҳокими Комил Қобилов айни пайтда туманда ҳокимлик ҳам, тадбиркорлар ҳам, фермерлар ҳам ўз ҳолича фаолият юритаётганини таъкидлади. Буни туманда битта ҳам қўшма корхона ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган биронбир завод йўқлиги ҳам исботлайди. Натижада туман иқтисоди ёрдамга муҳтож бўлиб қоляпти. Ҳолбуки, туманда 142 минг аҳоли яшайди. Уларнинг 55 минг нафари ишга яроқли. Тоғни урса талқон қиладиган 28 минг нафар эркак бор. Шунга қарамай, туман бўйича тадбиркорлар ишлаб чиқаришнинг бор-йўғи 33 фоизини ташкил этади, аёллардан бор-йўғи икки нафари фермер, холос. Бунинг боиси нима? Нима қилсак, ишимиз олға силжийди. Келинг, очиқчасига гаплашиб олайлик.

Шундан сўнг мунозара роса қизиди.

"Паланг-В" хусусий ишлаб чиқариш агрофирмаси раиси Абдували Рустамов сўз олиб, бир неча йиллардан бери тадбиркорлик билан шуғулланаётганини, туман раҳбарлари билан биринчи марта шундай очиқ мулоқатда бўлаётганини айтди. Бундан ташқари у қуйидаги масалаларга йиғилиш иштирокчиларининг эътиборини тортди:

— Ҳозир Жиззахда Краснодардан келтирилган ғалла уруғи экиляпти. Ахир, Краснодар ва Жиззахнинг табиий иқлими, обҳаво шароитида ер билан осмонча фарқ бор-ку! Бу масаланинг биринчи жиҳати.

Иккинчи жиҳати шуки, элеватор билан пахта заводлари фермерларга транш орқали пул бераяпти. Ҳолбуки, фермер шартнома тузгандан сўнг унга ҳеч қандай шартларсиз аванс жўнатиши керак эмасми? Фермер қўлига тушган пулни қандай сарфлашни яхши билади. Аммо унга ҳануз ўргатишяпти: буни ўғитга бер, уни нефтбазага!

Учинчидан, бугун-эрта пахта терими бошланади, унга ҳашарчиларни жалб этиш лозим. Гап шундаки, ҳашарчи оладиган хизмат ҳақи ҳисобидан пенсия жамғармасига 37,3 фоиз ажратма тўлаш масаласи неча йилдирки ҳал бўлмаяпти. Тўлайдиган бўлса, фермерга осон бўлмайди, тўланмаса, пенсия жамғармаси тўполон кўтаради.. Бу масалада аниқ белгиланган ҳужжат эса ҳануз йўқ.

Тўртинчидан, фермер ҳам, давлат хўжаликлари ҳам юридик шахс ҳисобланади ва улар тенг ҳуқуқга эга. Шундай бўлса-да, қулоғигача қарзга ботган давлат хўжалигига ўғит ва нефт қарзга берилади, фермерга эса берилмайди. Нефтбаза ҳатто шартнома тузиб, пул ўтказсак ҳам ёқилғи бермайди. Нега? Жамғармага рухсат олиб келинг, дейишади. Буни ҳам олиб борамиз, аммо...

Июн ойида топширилган ғаллага элеватор ва тегишли банк айби билан ҳанузгача пул берилгани йўқ. Ҳолбуки, 1 августдан нархлар 1,40 баравар ошди. Бу зарарни ким тўлайди?

Икки йил бурун чех тадбиркорлари билан ҳамкорликда 960 минг доллар харажат эвазига томат заводи қурдик. Корхона мавсумда 20 минг тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, бир мавсумда туман бюджетига 20 млн. сўм қўшимча даромад келтирар эди. Завод биринчи йили 2 минг тонна, иккинчи йили 1 минг тонна помидорни қайта ишлади. Аммо нақд пулга помидор сотиб олиш учун хўжаликлар бизга имкон беришмади. Биз ўн сўмдан ўтказиб қўйган жойимиздан бошқа вилоят тадбиркорлари беш сўмдан нақд пул бериб помидорни олиб кетиб қолишди. "Нақд пулга рухсат бўлмаса, ўзимизга ер беринг, помидорни ўзимиз етиштирайлик" дедик, аммо туманнинг ўша пайтдаги раҳбарларига бу гапни тушунтириш имкони бўлмади.

Мулоқотда бундай ошкора таклифлар, аччиқ мулоҳазалар кўп бора тилга олинди. Маълум бўлишича, туманда жами 592 фермер бўлиб, ўрта ҳисобда улар ғалла бўйича давлат режасини 101 фоизга адо этган. Ҳолбуки, давлат хўжаликлари ўрта ҳисобда 80 фоиз кўрсаткичда қолиб кетишган. Тўғри, режани 200 фоизга етказганлар, шунингдек, бир ҳовуч ғалла топширмаганлар ҳам бор. Мисол тариқасида Шароф Рашидов номидаги хўжаликда фаолият юритиётган "Олимпиада" фермер хўжалигини кўрсатиш мумкин. Ушбу хўжалик 70 гектар ернинг 9 гектар ерига томорқа экинлари экган. Аммо шартнома бўйича элеваторга ҳеч нарса топширмаган.

— Тумандаги кўпчилик фермерлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишмайди, - деди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ҳасан Йўлдошев, - Шу боис хўжалик йиғинларини фермерларнинг олий йиғинига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки фермернинг деярли барча муаммолари унинг хўжалик билан муносабатлари доирасида ҳал бўлади. Бугунги кунда кўпчилик фермер ўз техникасига эга эмас. Давлат хўжалигида техника ҳам, нефтбазадан, химиявий ўғитлар ташкилотидан маҳсулотни қарзга олиш имкони ҳам бор. Қолаверса , у мавжуд ерларни суғоришни ташкиллаштиради, сувни тақсимлайди. Электр энергияси тақсимоти ҳам хўжалик воситасида ҳал бўлади. Фермер ерни хўжаликдан ижарага олган боис тегишли хўжалик харажатларини ўзи кўтариши шарт. Масалан, хўжаликдаги йўлларни таъмирлаш, марказий таъмирлаш устахонаси харажатлари, хўжалик раҳбарлари, техник ходимларининг иш ҳақлари, улар фойдаланадиган техника харажатлари, улов ва бошқа моддий техник базанинг амортазация харажатлари — булар мавжуд ерга нисбатан тенг бўлинадиган харажатлардир. Айрим хўжаликларда бундай харажатлар тақсимоти адолатли йўлга қўйилган, бошқа жойларда бошқача. Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Демак, фермерлар фаолиятида уйғунлик вужудга келмас экан, ҳеч бир иш олға силжимайди.

Йиғилишда 2000 йил якуни бўйича туманда 156 фермернинг ери хўжаликка қайтариб олингани маълум бўлди. Ғалла ва пахта режасини бажаролмагани, ерга эгалик қила олмаганлари учун ҳоким қарори билан улардан ер қайтариб олинган. Ҳолбуки, ҳокимнинг бунга ҳаққи йўқ бўлган. Чунки ҳокимлик фермернинг Низомини рўйхатдан ўтказади, холос. Фермер хўжаликни фақат хўжалик суди тугатиши мумкин. Шу боис адлия бошқармасининг қарори билан кўпчилик фермерларга ўз ери яна қайтариб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адлия бошқармаси кўп бора фермерларнинг жонига оро кирмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, вилоят адлия бошқармаси томонидан етти нафар фермерга шартномавий режадан зиёд топширган 153 тонна ғалласини қайтариб олиб бериш бўйича хўжалик судига даъво аризалар киритилди. Ҳокимлар қарори билан тугатилган кўплаб фермерлар қайта тикланди. Бир қанча ташкилотлар ва раҳбарлар катта молиявий жарима тўлашга мажбур бўлмоқда.

Йиғин давомида ҳокимлик ва адлия бошқармаси ўртасида фермерларни ҳимоя қилиш борасида айрим тафовутлар мавжудлиги аён бўлди. Шундай бўлса-да, ундан кўпчилик қониқиш олди. Чунки бу йиғин дастлабки ошкора мулоқот эди-да!

Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Ҳуқуқий маърифат

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНГИ СИФАТИ

**** Қимматли қоғоз нима?***

**** Қимматли қоғозлар бозори тараққиёти қандай бўлади?***

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ жамиятимизда қимматли қоғозлар бозори ҳам жадал суръатда тараққий этмоқда.

Қимматли қоғозлар деганда буларни ишлаб чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатлари тушунилади.

Қимматли қоғозлардан бланкалар, сертификатлар кўринишида ҳисоб рақамларидаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек, кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиш мумкин. Бу турдаги қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади. Киритилган улуш шаклидан қатъий назар, уларнинг қиймати миллий пул бирлигида, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса чет эл валютасида (акциялар бўйича мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) тўланади.

— **"Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-моддасида қимматли қоғозлар акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари ва векселлар сингари турларга бўлиниши қайд этилган. Улар қайд этилган эгаси ва тақдим этувчига тегишли бўлади.

Эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни назарда тутиб, қимматли қоғозни чиқарувчи томонидан ёки унинг топшириғига биноан тегишли ташкилот томонидан эгасининг номи қайд этилади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш ҳисоб-китобдаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда ўз аксини топади.

Қимматли қоғозларни тарқатиш масаласида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини комиссион ҳақ эвазига мустақил равишда банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Инвестиция компаниялари ишлаб чиқарувчи билан келишган ҳолда қимматли қоғозларни қўйидаги шартлар асосида чиқаришига кафил ва ташкилотчи бўлиши мумкин.

- Кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобидан сотиб олиши;

Чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштира олмай қолган қисмларини ўз ҳисобидан сотиб олиши.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқата олмаган қисмини сотиб олиш мажбуриятини зиммасига олмай туриб қимматли қоғозларни ишлаб чиқарувчи номидан чет инвесторларга сотиши тўғрисида эмитент билан дитрибьютер шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Энди айрим истилоҳларнинг таърифини келтириб ўтамиз.

Бу ўринда ишлаб чиқарувчи (эмитент) – қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ёки давлат органи тушинилади.

Инвестор эса қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахсдир.

Инвестиция муассасаси қонунларга мувофиқ юзага келтирилган юридик шахс бўлиб, у қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган фаолиятини асосий фаолияти тариқасида амалга оширади.

Ҳозирги вақтда жамиятимизда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш зарурати бор. Хўш бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, ишни қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ташкил этишдан бошлаган маъқул. Чунки бу ҳол ўз навбатида монопол тузилмаларни тарқатиб юбориш ва моддий ресурслар ҳамда молия маблағларини тақсимлашнинг марказлашган тизимини сиқиб чиқаришга ёрдам беради.

Иккинчидан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ишларни жонлантириш учун аҳолининг пул маблағларини бир жойга жамловчи ва акцияларнинг барқарор даромад беришини таъминловчи инвестиция жамғармаларининг тармоқларини ташкил этиш ва уларнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлашга эришиш лозим. Бунинг учун эса тегишли идоралар инвестиция жамғармаларига зарур бўлган ижомлар билан жиҳозлаш, аудиторлик фирмаларни тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш, етарли ахборот билан таъминлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишларига ёрдам бериши шарт. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш учун инвестиция институтларининг жамғарма биржасидаги савдоларга тенг ҳуқуқли қатнашишини ҳамда ҳақиқий талаб ва таклифни, ишлаб чиқарувчининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичини, қимматли қоғозларнинг сотилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозларнинг очиқ савдога қўйилишини таъминлаш зарур бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг манфаатдорлигини ошириш, жамғарма бозоридаги молиявий операцияларни фаоллаштириш мақсадида 1995 йил 1 июлдан бошлаб мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар ҳолида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги тафовутдан олинган даромадлари уч йил муддатгача солиққа тортилишдан озод этилган. Шунингдек, 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузиш чоғида битим қатнашчиларидан олинадиган солиқ ҳам бекор қилинган. Қолаверса, қимматли қоғозлар эмиссиясининг протестини рўйхатдан ўтказиш чоғида ишлаб чиқарувчидан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғининг ставкаси эмиссия ўз қийматининг 0,5 фоизидан 0,1 фоизига камайтирилди.

Эндиги вазифа қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторларнинг қатнашишини рағбатлантириш учун хорижий инвесторларнинг юртимизда чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиши учун имконият яратишдан иборат. Бунда савдога қўйилган маблағларни ва улар бўйича олинадиган даромадларини конвертациялашга ҳамда кейинчалик амалдаги қонунчиликка мувофиқ уни репатриация қилиш ишларини ҳам бажариш зарур.

Булардан ташқари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган молиявий операцияларни амалга оширувчи миллий депазиторий ва инвестиция жамғармаларининг инфратузилмаси таркибини замон талабига мос равишда йўлга қўйиш лозим. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий соҳа тараққиётини таъминлаш баробарида тадбиркор фуқароларга мулкдорликнинг янгича сифати бўлган қимматли қоғозлар бозорининг қулайликлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш имконини беради.

Эргаш САЙИТОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

«КОГОНЧА» ЁНДАШУВ...

Мен 1958 йилдан то 2000 йилнинг 10 февралига қадар Ўрта Осиё темир йўллари бошқармасининг Бухоро бўлимида бекат навбатчиси ҳамда поезд ҳаракати назоратчиси бўлиб ишладим. Узлуксиз равишда бир жойда ишлаганим учун ишхонамиз раҳбарларининг тавсиясига кўра (амалдаги қонунларга асосан) имтиёзли тарзда (55 ёшимдан) пенсия ҳужжатларини расмийлаштиришга киришдим. Меҳнат стажим 41 йилу 2 ой деб ҳисобланди.

Когон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан сўнгги беш йиллик иш ҳақим жамланиб, унинг умумий миқдори 60 календар ойига бўлинганда, 20948 сўмни ташкил этди. Лекин менга нафақа белгиланган чоғда **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги Қонуннинг 31-моддаси 1, 2-бандларига хилоф равишда иш тутилди, яъни менга мавсумий ишларда банд бўлган фуқаролар қаторида 8697 сўм пенсия белгиланди. Табиийки, мен бундан қаттиқ ранжидим. Ва мазкур қонуннинг 31-моддаси 1, 2-бандларига асосан пенсия белгилашларини талаб қилдим. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари эса ҳақли талабимни қондириш ўрнига "Берганимизни оласиз. Имтиёзли пенсия фақат ички ишлар бўлимлари, давлат органлари ва қуролли кучлар тизимида узлуксиз хизмат қилган кишиларга берилади", деб жавоб беришдан нари ўтишмади. Наҳотки, шу гап рост бўлса?.. Ахир, юқорида қайд этилган қонуннинг 26, 27, 30, 31-моддаларида фуқароларга нафақа белгилаш шартлари аниқ кўрсатилган-ку! Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ушбу қонунда "пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб», «ёшга доир пенсия учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида" белгиланиши аниқ ёзиб қўйилган.

Шундай қилиб, мазкур қонуннинг 26-моддаси "а" бандига биноан менинг сўнгги беш йиллик ўртача иш ҳақимнинг 55 фоизи 11521 сўмни ташкил этади. Ушбу қонуннинг 27-моддаси "а" бандини ҳам назарда тутганда (16 йиллик қўшимча иш стажим ҳам қўшилганда) менга жами 14873 сўм пенсия белгиланиши керак эди.

Қонунларимизда жуда аниқ ёзилгану бироқ уларнинг ижросида ҳар хилликлар мавжуд? Нима учун қонунларимиз ижросида қонунга зид ҳолатлар учрайди? Сизлардан илтимос, шу нарсага ойдинлик киритсангизлар.

Жамол АҲМЕДОВ,
Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Ботир Зокиров маҳалласи, 5-уй 9-хонадон

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБЛАР

МУЛКДОРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Ўтган йилнинг июл ойида Хатирчи туманида бир неча йиллардан бўён фаолият кўрсатиб келаётган "Қурувчи-96" очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолияти тўхтатиб қўйилди. Бу иш Хатирчи туман ҳокимининг ҳамда "Навоий жамоа қурилиш трести" бошқарувининг қарорига асосан амалга оширилди. Гап шундаки, туман ҳокимлиги ва трест бошқаруви мазкур жамоа фаолиятини тугатиш ҳақида қарори чиқарар экан, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорини инобатга олишмади. Жамоанинг умумий йиғилиши қарорида бир овоздан корхонани мустақил юридик шахс сифатида қолдирилиши назарда тутилганди. "Қурувчи-96" жамиятининг 75 фоизи акциялари жамоа аъзолари томонидан сотиб олинган.

Шундан сўнг ҳақ-ҳуқуқимизнинг тикланишини сўраб вилоят хўжалик судига мурожаат қилдик. Афсуски, хўжалик суди ишни кўриб чиқиб, жавобгар ташкилотлар манфаатини кўзлаб ҳал қилув қарорини чиқарди. Вилоят хўжалик судининг қароридан норози бўлгач, юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Жумладан, Олий хўжалик суди қуйи ташкилот қабул қилган қарор юзасидан 20 кун ичида юқори ташкилотга кассация шикояти билан мурожаат этиш мумкинлигини маълум қилди. Шундай қилиб, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан ўз вақтида аппелация шикояти ёзилмасдан қолди.

Мамлакатимизда мулкдорлик ва мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган бўлишига қарамасдан бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз инобатга олинмади. Адолатнинг қарор топишига ёрдам беришларингизни сўраймиз.

Т.ҚОДИРОВ ва бошқалар,
"Қурувчи-96" акциядорлик жамияти аъзолари

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мана, яна эътиборингизга тахрирсиз хатларни ҳавола қилдик. Ёдингизда бўлса, биз ҳар бир мактубни эълон қилар эканмиз, бу бир томоннинг фикри эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Шунингдек, иккинчи томоннинг фикрини ҳам газетада чоп этишга тайёр эканлигимизни яна бир карра сизларга эслатиб ўтишни лозим топдик.

Ушбу мактублар юзасидан эса Навоий ва Бухоро вилоятидаги мутасадди идораларнинг жавобларини кутиб қоламиз.

Суратларда кўрик-танловдан лавҳалар

ИБРАТЛИ КЎРИК-ТАНЛОВ

Юртимиз бўйлаб Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги зўр кўтаринкилик ва шоду хуррамлик билан кутиб олинаётган шу кунларда Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими биносида Тошкент шаҳар ФҲДЁ бўлимлари ва шаҳар никоҳ уйлари ходимларининг IV анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда жойлардаги жамоаларда ўтказилган қизғин беллашувларда ғолибликни қўлга киритган зукко ва билимдон қизжувонлар иштирок этишди.

Акмал Икромов тумани ФҲДЁ бўлими ходими Барно Тўрабекова, шаҳар "Шодлик" бахт уйи ходими Нилуфар Насриддинова, Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ вакили Гуландом Мўминовалар ўзларининг юриш-туриши, келин-куёвлар никоҳ тантанасини намунали ўтказиш бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

Тадбир сўнгида бадиий ҳаваскорлар ўз санъатлари билан барча иштирокчиларни хушнуд этишди.

Нур МУҲАММАД,
"Инсон ва қонун" мухбири

АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Телевизорда миллат ҳақида сўз юритган ўспиринга "катта бир режиссёр" "...миллатнинг қайғуси сенинг бошингга тушдими?", — дея ёзғирган экан. Билмадим, ўша "катта режиссёр" учун шўро замонидагидай миллат сўзини гапириш, ўйлаш, бу борада куйиниш чўғни ютишдай туюлгандир ва ҳамон у ўзини ўнглай олмаётгандир... Лекин қонида, руҳиятида ўз миллатидан фахрланиш туйғуси ялт этган, қадим илдизлари, бугуни ҳамда эртаси хусусида гапириш учун юртдошларини миллат бўлиб уйғониши муқаррарлигини ҳис этган ўғлонинг ёқасидан буғиб "Сен кимсан, академик ёки давлат арбобимисан?" — деб қистовга олиш даражасида жаҳл оти жиловини қўйворишни мен сираям ҳазм қилолмадим.

Америкалик болакай Америка фуқаросиман, деб баралла айтади. Бундан америкалик режиссёр хурсанд бўлади. Барча америкаликлар ҳам мағрурланадилар.

Агар бугун мактаб партасидаги ўғил-қизимиз мен ўзбекман, Ўзбекистонман, демаса, ҳозирданоқ елкасида миллат юки борлигини сезмаса, агар у бу юкни йўқотиб қўйса, нотайин ва бетайин бир кимсага айланиши ва улғайгач ҳам унинг ботинида ҳеч нарса шаклланмаслиги, қуруқ сомон тўла қопдан фарқи бўлмаслиги, истаган чақмоқ фикр лов этиб ёндириб юбориши мумкин-ку!

Бугун Ўзбекистонда барча бир бутун халқ бўлиб уйғонмас экан, жипслик етилмайди, келажак йўлидаги ўй-орзуларимиз, фикрсизлик, нодонлик девори билан тўсилади.

МАКТАБ ЭШИГИ ОЛДИДАГИ ЎЙ

Ўзидан кейин келаётган авлод заковоти ва шижоатига ишонмаган жамиятнинг ичи дарз кетади, мўрт бўлади. Шунинг учун ҳамки, озодликка эришган мустақил юртимизда ўнгланиш даври саналган — ўтаётган ўн йил ичида барча жабҳалар равнақи теппа-тенг олиб борилди. Бу ўз истиқлолига муяссар бўлган жаҳон давлатлари тарихида камдан-кам содир бўлган воқеа. Тўғри, ўша дастлабки йилларда очлик хавфи бор эди, ёш давлатимизни уруш оловида ёқишни истаган ташқи ва ички кучлар топилар эди. Ана шундай пайтда босиқлик, вазминлик билан давлатни бошқариш, маърифат ва маънавиятни қанот билиб, ҳар қандай кескин муаммони зукколик билан ечган ҳукуматимиз раҳбарияти бир лаҳза бўлса-да, келажак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарамади.

Бугун бу жараён шаклланди. Дунёнинг катта шаҳарларидаги илм ўчоқларидан қолишмайдиган мактабларда сабоқ олаётган фарзандларимиз хорижий тилларни пухта ўрганишяпти. Уларнинг бармоқлари компьютер тугмалари устида эркин ҳаракат қилаяпти — жаҳоний билимлар дарчаларини очишмоқда.

Ота-оналарда ҳам масъулият етилди — давлатимиз фазандим қисмати учун қайғураяпти, ўқиган, дунёни англаганларгина Ватаннинг чин маънодаги эгаси бўлиши мумкин, деган ўй кечмоқда улар кўнглида.

Ўтган ўқув йилида Тошкентдаги 17-гимназия мактаби эшиги олдида чорак соат турдим. Бирорта йирик ташкилот дарвозаси ёнига бунчалик кўп машина тўхтаб ўтмаса керак. Ота-оналар, чуғурчуғдай чулдираган болажонларини мактабга олиб келишаяпти.

Давлат келажак билими учун барча шароитни яратди.

Биз, оилабошилар ҳам фарзандимиз учун қайғуришимиз керак.

Бунинг учун ишлаш, заҳмат чекиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиш зарур.

ҲАЙРАТ ОЛОВИ СЎНМАСИН

Райкомнинг боласи райком бўлади, деган эски давр ўтди. Энди мансаб ҳам мерос бўлиб ўтмайди. Қайсидир каттаконнинг арзандаси отасининг узун қўли ёрдамида бирор лавозим ўриндиғига осонликча қўнгани билан ўзида бўлмаса, савия инқадар экан, замонни англаб, фаоллик етишмаса, узоққа бормайди — жамоа олдида шарманда бўлади. Ишни эплай олмайди, вассалом! Бугун ўз мустақил фикрига, иш юритиш услубига эга эмас, ботинида ўзига ишончи йўқ кимса раҳбарликни ҳам, бирор бир ташкилотда ишлашни ҳам уддасидан чиқолмайди. Хоҳ ишчи, хоҳ мансабдор, хоҳ зиёли бўлсин, ўз касбига жон фидо қилиб ишламаса, янгиликка интилмаса, изланмаса кун кўриши, обрў топиши, эл назарига тушиши амримаҳол. Чунки замон шундай шиддат билан илдамламоқда.

Билимга чанқоқ боланинг нигоҳидаги ҳайрат олови сўнмаса, тиниб-тинчмаса, типирчилаб китоб варақласа, жамият унга энг ёруғ йўллар бошида турган Олтин дарвозаларни очиб қўйди. Ҳамқишлоғим, сувчи Йўлдош бобонинг ўғли Америкада ўқиши мен учун бугун ҳайратланарли эмас. Бошқа қишлоқдошларим учун ҳам.

У эртага телевизорда чиқиб тараққиёт хусусида гапириб, Олтинсой тумани шароитида узумзор хўжаликларда шароб ва мева-шарбатлари тайёрлаш мумкин бўлган минизаводлар чизмасини кўрсатиб, ўз фикрини исботлашга уринса ҳам ажабланмайман.

ХУЛОСА

Президентимизнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган маърузалари ўзагида ёш авлод бахт-иқболи, келажаги учун қайғуриш, озод Ватанимизнинг эртаси ишончли қўлларга ўтиши таъкидланганди.

Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзанди келажаги учун қайғуриши, шарт-шароит яратиш йўлларини излаши керак.

Ўзини йўлга сола билмаган ота фарзандини қандай қилиб комил инсон бўлувига кўмак беради? Она ҳам шундай.

Жамиятда ҳар бир шахс келажак учун жавобгар.

Давр сўрови, миллат келажаги билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Изланган, курашган ўғил-қизга бахт эшиклари очилади.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Адлия тизими

ЖИЗЗАХ

Жиззах туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Мадина" фермер хўжалиги 2000 йил 16 январда туман агросуғурта бўлими билан 296100 сўмлик суғурта шартномаси тузиб, 17000 сўм ўтказиб беради. Фермернинг 55 гектар лалми ғалласи қурғоқчилик туфайли кузда кутилган ҳосилни бермайди. Бу ҳақда ҳужжат тўлғизилади, унда суғурта бошлиғи Жавлон Кўчимов ҳам иштирок этади. Аммо агросуғурта идорасиоларга олиб, шартномани тузиб, тўлашга келганда, тўнини тескари кияди. Оқибат вилоят адлия бошқармаси судга даъво ариза киритди. Суд туман суғурта бўлимидан "Мадина" фермер хўжалиги фойдасига 736205 сўм ундириш, шунингдек, 5000 сўм моддий ва 8000 сўм маънавий зарар фермер фойдасига, 13620 сўм давлат божи ундирилсин, дея қарор чиқарди.

Тинчгина, тўғри ҳисоб-китоб қилмай, ҳаммани алдаб-сулдаб кетаман, деб ўйлаган Жавлон Кўчимов ўзи бошлиқ ташкилотни шу тахлит чув туширди.

СЕҲРЛИ "ТЎРТ"

Сирли "етти", "саккиз" рақамларининг биз билган-билмаган сир-синоатлари ҳақида кўп ёзишган. Энди дадил айтиш мумкинки, улар қаторига "тўрт" рақами ҳам янги хусусияти билан қайта қўшилди. Дунёнинг тўрт томони қибла, унинг тўрт бурчаги шу-да, деб юраверган эканмиз. Тўрт рақами яшириб қолиш, уриб қолиш каби ишларга ҳам қулай экан. Буни Гулистон туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалигидаги "Гулсин" фермер хўжалигига зарар етказганлар "кашф" этишди.

"Гулсин" фермер хўжалиги ўтган йилнинг тўртинчи ойида Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги тақдимномасига биноан туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилди. Жами 47 гектар ер майдони 10 йил муддатга ижарага берилди. Бироқ ширкат хўжалиги раиси Х.Чиннибеков аввалги қарорига шу тўртинчи ойда тузатиш киритди. Туман ҳокимлигига тақдим этилган 02-сонли қарорнинг 2-қисмини ўзгартириб, "ажратиб" сўзидан кейин "берилсин" сўзини ўчириб, "Шундан 4 га ер майдонини полиз экини йиғиб олингандан сўнг берилсин" деган ёзувни машинкада қўшиб қўйди. Натижада фермер хўжалиги 41 гектар ер майдонига пахта экди.

Албатта, янги иш бошлаган фермер Одил Акрамқулов ҳали ҳуқуқий жиҳатдан етарли билимга эга эмасди. Буни кузда Гулистон пахта тозалаш заводига қарашли "Қизилобод" пахта қабул қилиш пункти товаршуноси К.Сулаймонов ва ҳисобчиси А.Бегимқуловлар ҳам сезиб қолишган шекилли, бунинг чорасини кўришган. Ўтган йил 23 сентябр куни "Гулсин" фермер хўжалигидан 4 тонна уруғлик пахтани қабул қилишиб, 30123 рақамли 17-ПК шаклдаги ҳужжатга киритишган, лекин шу пахта пулини фермер хўжалигига бермаслик мақсадида умумий ҳисобга қўшишмаган. Натижада 238254 сўм моддий зарар етказилган. Яна шунча пахтани териб олиш учун тўланиши шарт бўлган 74 минг сўм берилмай қолган.

Товаршунос К.Сулаймонов ва ҳисобчи А.Бегимқуловлар айби билан фермерга жами 312254 сўмлик моддий зарар етказилган.

Фермер Одил Акрамқулов шу йил бошида қарасаки, ер учун солиқ ҳам катта, бу ёқда пахта учун ҳақ тўланишининг чўғи йўқ. Гўё уни тўрт томондан келиб тортиб кетишаётганга ўхшади. Шу йилнинг тўртинчи ойини мўлжаллаб ишга киришди. "Сирагротаҳлил" аудиторлик корхонасидан ёрдам сўради. Аудитор ҳаммасини аниқлади. 4 гектар ернинг солиғини фермер тўлаган. Ҳолбуки, бу ер унга янги йилгача берилмаган. Пахта заводи ҳосил учун ҳақни етти-саккиз марта бўлиб-бўлиб тўлаганидан орада тўрт тонна пахта ҳам йўқолиб кетган экан. Чалкашлик аниқлангач, Гулистон туман давлат солиқ инспекцияси фермер хўжалиги ҳисобига келиб тушган транш маблағларидан ортиқча олиб қўйган 47 минг сўмни қайтарди. Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги фермерга техника ёрдами кўрсатишда йўқ ерни кўшиб ёзиб, уруғ, ўғит, ёнилғи ва ҳоказоларни ҳам шу ҳисобдан чиқариб, фермердан 305810 сўм оширилган харажатни ундириб олган. Бу сумма ҳам қайта ҳисобланиб, фермер фойдасига ҳал этилди.

Бироқ тўрт томондан тортатортни бошлаган Х.Чиннибеков сояда қолиб кетаяпти. Гулистон пахта тозалаш заводи директори Ф.Кулиев, бош ҳисобчиси Б.Норжигитов нафақат катта товаршунос К.Сулаймонов ва катта ҳисобчи А.Бегимқуловга тўрт томонларинг қибла дейишга уялишаяпти, балки фермер билан қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳам шошилишмаяпти.

Хулоса ўрнида бир гапни айтиб қўяйлик. Кеч кузакда пахта майдонлари бўшаб қолгач, молларни далага қўйиб юборишади. Ўшанда айрим одамлар молим қолган-қутган пахтани еб тиқилиб қолмасин, деб жони ҳалак бўлиб югуриб юришади. Чунки пахта толаси молнинг қат-қат қорнида тўпланиб, ҳазм бўлмай қотиб қолар экан. Шу жонивор уддаламаган ишни айрим одамлар такрорлаб кўришди. Йўқ, пахтани ҳазм қилиш юбориш осон эмас экан. Бу шундай ниятда юрганлар учун сабоқ бўлиши керак.

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНИ

миллий қонунчилик, унинг яратилиши ва тараққиёт жараёнига бир назар

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Сайёра РАШИДОВА,
Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)

Дунёнинг кўпчилик давлатларида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Омбудсман институти фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини тиклашдаги ўрни беқиёсдир.

Шуни чуқур мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) институти ташкил этилди.

Мустақиллик меваси бўлган Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти қуйидагилардан иборат:

Вакилнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назорати; вакилнинг фуқаролар шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш; ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик; суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик; инсон ҳуқуқларини таъминлаш устидан жамоат назоратини кучайтириш; ахборот, маърифат ва таҳлил соҳасидаги фаолият; халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолият каби йўналишларда олиб бориши кўзда тутилган.

Омбудсманнинг назорат фаолияти унинг минтақавий вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, социологлар, журналистлар, барча даражадаги мансабдор шахслар иштирокида амалга оширилади.

Омбудсман томонидан нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунларига риоя этилиши мониторингини ўтказиш механизми ишлаб чиқилди, мониторинг тадқиқотларининг якунлари, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маърузалар тайёрланди.

2001 йилнинг 6 ойи мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига фуқаролардан 2268 та мурожаат келиб тушди, 430 фуқарога оғзаки тушунтиришлар ва маслаҳатлар берилди. "Ишонч телефони" орқали 48 нафар фуқарога маслаҳатлар берилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари яққол бузилганлиги баён этилган ҳар 5 та мурожаатдан бири (жами 535 та мурожаат) назоратга олинди, шулардан 80 та мурожаат ижобий ҳал этилди.

Омбудсман 5 та мурожаат юзасидан ўз текширувини ўтказди, 5 нафар мансабдор шахс суҳбатга чақирилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг вакиллари томонидан жойнинг ўзига бориб аризачилар билан 36 та учрашув ўтказилди. Омбудсман ҳузуридаги Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари, Экспертлар Кенгаши аъзолари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакиллари 16 (8) та суд мажлисида Омбудсманнинг вакили сифатида иштирок этдилар.

Келиб тушган хат, шикоят, ариза ва таклифларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларнинг аксарият қисми қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда аҳолига уй-жой коммунал, тиббий хизматлар кўрсатиш масалалари билан боғлиқдир.

Омбудсман девонига келиб тушаётган шикоятларга хос бўлган умумий тенденциянинг ижобий томонга ўзгараётганлиги сифатида шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг шахсий муаммоларидан ташқари ижтимоий муаммоларни ёзиб юбораётган мурожаатлари ҳам пайдо бўлмоқда, улар ўзларини қизиқтираётган, давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишнинг ўзлари таклиф этаётган усуллари ҳақида ёзмоқдалар, амалдаги қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини таклиф этмоқдалар.

Бундан ташқари, Омбудсман 12 та қонун лойиҳасини эксперт қилишда қатнашди. Иккита қонун юзасидан Омбудсман фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий негизни яратиш мақсадида уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди. Шунингдек, чет эл вакиллари иштирокида бир қанча учрашувлар ўтказилди. Халқаро хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар уюштирилди.

Қонунлар ижросини ўрганиш жараёни шуни кўрсатадики, аввало, кишиларнинг қонунга бўлган эътиборини ошириш керак. Қонунга шарҳларни кўпайтириш зарур. Турли восита ва шакллардан фойдаланиб, қонунни одамлар онгига, хатти-ҳаракатига яқинлаштириш, сингдириш керак. Токи ҳар бир фуқарода қонуний яшаш кўникмалари шаклансин. Қонунга ҳурмат ҳисси пайдо бўлсин. Ўз-ўзини назорат қилиб яшаш туйғуси ривожлансин.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Қонун қачонки халқнинг асрлар мобайнида шаклланган анъана, урф-одат, турмуш тарзини ўзида мужассамлаштирса, у яшовчан ва таъсирчан бўлади. Ва қонунлар моҳиятан одамлар турмуш тарзи, тафаккурини ўзгартиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар мустақиллик ғояларини ҳаётга жорий этиш, миллий давлатчилигимизни қарор топтириш, умуминсоний қадриятлар ёки дунёвий давлатчилик тамойилларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга бевосита хизмат қилади. Уларда халқимизнинг манфаатлари ва миллий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари ўзининг теран ифодасини топган. Амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳам қонунларимизнинг миллий руҳи билан боғлиқ. Парламент томонидан қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмун-моҳиятига назар ташласак, унда миллий руҳ, миллий кайфият, миллий турмуш тарзи чуқур ифода этилганини кўрамиз. Жумладан, бу ҳолни бевосита қўмитамиз томонидан тайёрланган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги Қонуннинг янги таҳририда ҳам кузатамиз. Қонунларимиз айни шу жиҳати билан бошқа мамлакатларнинг айни шундай қонунларидан фарқ қилади.

Қўмитамиз у ёки бу қонунни яратишда халқимизнинг миллий хусусиятлари билан бирга дунё қонунчилиги тажрибасини ҳам ҳисобга олади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу жараёнда дунё қонунчилиги амалиётининг умумий йўналишларидан фойдаланилади. Масалан, қўмитамиз томонидан тайёрланган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишда Англия, Германия, АҚШ, Япония, Туркия, Араб мамлакатлари, Россия каби мамлакатларнинг айни шу соҳадаги қонунлари чуқур ўрганиб чиқилди. Сессия муҳокамасига қўйилаётган **"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳам шундай йўл тутилди. Яъни Германия, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг қонунлари ўрганиб чиқилди. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш баробарида ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, миллий руҳимизни сингдирдик.



Қабул қилинган қонунларнинг амалий ижросининг ўзи катта бир жараён. Жойларда қонунлар ижросидан кўнглимиз тўлади, деб айта олмаймиз. Сир эмаски, ҳали фуқаролар қонун асосида яшаш, турмуш кечириш кўникмасига унчалик эга эмас. Чунки тоталитар тузум бизнинг дунёқарашимиз, турмуш тарзимиз, хатти-ҳаракатларимизни чеклаб қўйганди. Давлат қандай кўрсатма берса, шундай яшардик. Биз ўша тоталитар мафкуравий рецепт асосида яшашга кўникиб қолгандик. Психологиядаги нуқсонларни йўқотиш осон бўлмаяпти. Шу боис қонунларимиз тўла қувват билан ишламаяпти. Жойларда қонунлар ижросини ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, фуқаролар қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур билмайди. Шу боис ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас. Иккинчидан, маҳаллий бошқарув органларидаги маъмурий-бюрократик усуллардан ҳали тўла қутулганимиз йўқ. Тўрачилик, гуруҳбозлик, димоғдорлик каби иллатлар демократик жараёнларнинг тезлашувига халақит бермоқда. Юқоридаги каби камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун қонунлар ижросини назорат тизимини янада кучайтирмоғимиз керак.

Қўмитамиз асосий диққат-эътиборни қонунлар ижроси юзасидан ҳуқуқий ташвиқотни кучайтириш, бу жараёнга мутасадди ташкилотлар билан бирга кенг жамоатчиликни ҳам фаол жалб этишга қаратмоқда. Қонунларимиз янада яхшироқ ишлаши учун фуқароларнинг ҳуқуқий онги, савиясининг ошириш баробарида маънавий, ахлоқий тарбияни ҳуқуқий тарбия билан қўшиб олиб бориш кутилган натижаларни беради.

Абдурафиқ АҲАДОВ,
Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда бозор муносабатлари тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини яратилди. Бу, энг аввало, иқтисодиётимизга дахлдор қонунларимизда ҳам ўзининг теран ифодасини топган. Бу қонунларнинг маъно-мазмуни ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, улар бир жиҳатдан миллий анъаналар негизига таянса, иккинчи томондан, умуминсоний қадриятларга уйғундир. Яъни дастлабки ҳолатда қонунларимизда халқимизнинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган иқтисодий, ижтимоий муносабатлари, тажриба ва ютуқлари ўз ифодасини топган. "Авесто", "Ҳидоя", "Темур тузуклари" ва бошқа қатор мўътабар манбаларда мужассамлашган ҳаётбахш ғояларнинг истиқлол руҳига хизмат қиладиган жиҳатлари бевосита иқтисодиётга дахлдор қонунларимиз мажмуида жо қилинган. Масалан, пул муомаласини барқарорлаштириш, тангаларни зарб этиш, солиқ тизимида қўлланилган анъаналар янги мазмун билан бойитилган ҳолда қонунларимизда ҳам ифодаланган.

Бугун биз дунё билан ҳамнафас яшаяпмиз. Бу ўз навбатида миллий қобиққа ўралиб қолмай, дунёнинг илғор тажриба ва ютуқларини ўзлаштириш, улардан оқилона фойдаланишни ҳам тақозо этади.

Айни шу маънода истиқлол йилларида яратилган қонунларимизда шарқона муносабатлар билан бирга жаҳон тажрибаси ҳам ажойиб тарзда уйғунлаштирилгани қувончли ҳол, албатта. Божхона, банк, солиқ, бухгалтерия ҳисоботлари, қимматбаҳо қоғозлар, сармоялар, суғурта тўғрисидаги қонунларни яратишда ҳам ана шундай нуқтаи назардан туриб ёндошилди.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида халқимизнинг асл манфаатларидан келиб чиқиб, қонунлар яратилгани билан бирга уларнинг амалий ижроси борасида ҳам муайян тажриба тўпланди. Қонунлар ижросини ўрганиш жараёнида уларнинг ҳаётга қанчалик яқинлиги, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини қай даражада ифодалаши, қолаверса, қонунлардаги баъзи бир камчиликлар ҳам яққол аён бўлади. Хусусан, қонуности актларининг айрим ҳолларда қонунларга тўғри келмай қолган жиҳатлари кузатилди. Қонунларнинг асл моҳияти тўғри талқин қилинмаганлиги, ижрочилар онгига тўла етказилмаганлиги ҳам сезилмоқда. Жумладан, солиқ тўлаш борасида баъзи тадбиркорлар даромад солиқларини ўз вақтида тўламаганликлари кузатилмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳам муаммолар йўқ эмас. Масалан, дўконларда "сотилган товар қайтариб олинмайди", деган қоида амал қилади. Ҳолбуки, қонунларимизда бундай дейилмаган. Дорихонада врач тавсия этган дори топилмаса, сотувчи ҳеч иккиланмай "фалон дорини олинг, бўлаверади", дейди. Ваҳоланки, врач сизга энг зарур дорини тавсия этган. Энг ёмони, бундай ҳолатда сотувчилар ўз манфаатини кўзлаб, сизни чалғитади. Аммо сотилганидан сўнг эса дорини қайтариб олмайди.

Бундай ҳол рўй бермаслиги учун истеъмолчи ўзининг ҳақ-ҳуқуқини, аниқроқ айтганда, қонунни яхши билиши керак. Бугун даврнинг ўзи ҳар биримиздан ўз ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билиш, унга оғишмай амал қилишни талаб қилмоқда. Чунки қонуннинг моҳиятини чуқур билмасак, уларни ҳаётга самарали тадбиқ этолмаймиз. Шуларни назарда тутиб, қўмитамиз қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етиб боришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда жойларда давра суҳбатлари, семинар, конференциялар ташкил этаяпмиз. Умуман олганда, иқтисодиёт соҳасида халқаро андозалар талабларига мос келадиган мукаммал қонунлар тизими яратилди. Эндиги асосий вазифа уларнинг тўла амалий ижросини таъминлашдир.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Адлия вазирлиги Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи

Миллий қонунчилигимизнинг шаклланишида экологик қонун ҳужжатларининг алоҳида ўрни бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз худудидаги барча табиий ресурс ва заҳиралар халқимизнинг мулки сифатида эътироф этилди ва бу ҳол қонун ҳужжатларимизда ўз аксини топди. Маълумки, ҳар бир давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий асосларини табиий ресурслар ташкил этади. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш миллий қонун ҳужжатларининг асосий мақсади ҳисобланади. Республикамиз худудида шўро даврида заминимиз бой табиий-жуғрофий бойликлардан аёвсиз фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилмаслиги натижасида экологик инқироз кескинлашди, ерларнинг шўрланиши, сув ресурсларининг ифлосланиши ортиб кетди, Орол денгизи ва Оролбуйида экологик муҳит издан чиқди, ерости бойликларидан режасиз фойдаланилди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари йўқолиб кетди, атмосфера ҳолати ўзгаришга юз тутди.

Халқимиз мустақилликка эришгач, табиат объектлари халқимиз миллий бойлиги сифатида эътироф этилиб, табиат қонуниятлари устуворлиги тан олинган ҳолда миллий хусусиятларимиз асосида изчил экологик сиёсат йўлга қўйилди.

Конституциямизнинг 55-моддасида **"ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир"**, деб қайд этилган. Мазкур талаблар давлат экологик сиёсатининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида, биринчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва учинчидан, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ янги экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизими шаклланмоқда.

Шўро даврида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари эътибордан четда қолди. Бу эса ўз навбатида экологик хавфли омилларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Мустақиллик даврида шаклланган экологик қонунчилик ҳужжатларининг асосий вазифаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидалари устуворлиги асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Республикамиз мустақилликка эришгач, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Ер кодекси", "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида", "Радиация хавфсизлиги тўғрисида"**ги бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари, кафолатлари, ваколатлари, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартиби, муддати ҳамда экологик норматив-стандартларнинг талаблари, экологик назорат ва экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари ва бошқа экологик қоида-талаблар белгиланган.

Экологик қоида-талабларни таъминлашда қонуности меъёрий ҳужжатлари алоҳида ўринга эга бўлиб, биринчидан, қонунларнинг таъсир доираларини кенгайтириш, иккинчидан, уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, учинчидан, турли табиий иқлим хусусиятларига эга бўлган минтақа ва вилоятларнинг экологик ҳолатини ҳуқуқий асосда тўғри тартибга солишга хизмат қилади.

Экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқ тизимининг турли соҳа ва тармоқларининг қонун ҳужжатлари ва қоида-талабларидан унумли фойдаланилади. Масалан, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Меҳнат кодекси, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс каби қонун ҳужжатларида ҳам экологик қоида-талаблар мавжуд бўлиб, улар бир тарафдан экологик муносабатларнинг кенг қамровлигини ифода этса, иккинчидан, экологик муаммоларни ҳал қилишда жамиятдаги барча куч ва воситаларни ушбу муаммонинг ечимини топишга йўналтиради.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари

Мустақил мамлакат ва унинг Парламентигина ўз ташқи ҳамда ички сиёсатини белгилаш, олиб бориш, шу билан бирга ушбу илоҳий ҳақни қўриқлаш иродасига эга бўлади.

Суверен давлатгина ўз ташқи ва ички сиёсатининг асосларини белгилаш, мустақиллик мазмунидан келиб чиқадиган, озод тараққиётга хизмат қиладиган қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга. Мамлакатимизнинг ўз номига эгалиги, унинг суверен демократик республика эканлиги парламенти яратадиган ва ҳаётга олиб кирадиган барча қонунлар ҳамда ҳужжатларнинг миллийлигини билдиради.

Қонунларимизнинг теран миллийлиги — уларнинг Ўзбекистон халқи ва фуқароларининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиришидадир. Конституциямизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади" дейилган. Бу давлатнинг ҳам теран тарздаги миллийлигини билдиради. Зотан, миллий давлатгина халқнинг манфаатларига хизмат қила олади. Давлат асосининг миллийлиги — қонунларнинг миллийлигини англатади. Конституциямизнинг муқаддимасида: "ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён этади", деган сўзларни ўқиймиз. Тарихий тажрибага суяниш анъаналарга, миллийликка таянишдир. Барча қонунларимиз ана шу миллий тажриба ва анъаналарга суянади, уларнинг мазмунини у ёки бу тарзда акс эттиради.

Конституциямизнинг муқаддимасида қайд этилган юқоридаги шу сўзларидан келиб чиқиб жавоб бериш тўғрироқ бўлади. Эътибор беринг: миллий давлатчилик ривожининг тарихий тажрибаси билан демократия ва ижтимоий адолат тушунчалари чамбарчас боғланиб келаяпти. Демократия ва ижтимоий адолат инсониятга бирдек хос бўлган тушунчадир. Миллийлик ва умуминсонийлик ҳодисаларини биз сиёсатимиз, маънавиятимиз, маърифатимизнинг асосига қўйганмиз. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузаларида кўп марта тилга олинган ва халқнинг эътибори қаратилган. Миллийлик ва умуминсонийлик қонунларимизда ҳам ўз тўла аксини топган. Парламент қандай қонун лойиҳаси устида ишламасин, халқаро қонунларни доим кўз ўнгида тутади. Ўзи ҳаётга келтираётган қонунлар билан халқаро қонунлар ўртасида уйғунлик, мутаносиблик бўлишига эътибор беради. Тўғриси, шундай мутаносибликни яратади. Бу эса қонунларнинг меъёрий қудратини кучайтиради, қадрини кўтаради.

Қонунларимизнинг ўзига хос жиҳати уларнинг истиқлолимиз, миллий тараққиётимизга мезон ва асос бўлаётганлигида, халқ ва мамлакатнинг эволюцион ўсишини таъминлаётганлиги, уларнинг мураккаб ҳаётнинг айни ўзи билан ўсиб-ўзгараётганлиги, янгидан-янги ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиқаётганлиги ва уларни ифодалаётганлиги — ўзига хослик деб аталса тамомила яраша ҳодисалардир.

Парламентимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу — қонунлар ижроси, амалиёти билан чамбарчас боғлиқ назорат-таҳлил ишлари йўналишларидир. Қонунлар ижро этилишини ҳар томонлама ўрганиш, аввало, уларни мукаммаллаштириб боришга ва қолаверса, фуқароларнинг қонунларга муносабатлари, ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини қанчалар рўёбга чиқараётганликларини ҳам аниқлашга имкон туғдиради.

Ҳақини англамаган, билмаган одам қонунларга бефарқ, лоқайд ва демак, ҳали ўз мамлакатини, унинг фуқаролиги нималарни тақозо қилишини англамаган, билмаган одамдир. Қонунни билмаган, унга суяниб яшамаган одам доим ютқазади ва яхши яшаш, яхши ҳаёт йўлидан четда бўлади.

Аҳтам ТУРСУНОВ,
Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори

Маълумки, қонун, умуман айтганда, халқнинг ҳаётига бевосита дахлдор қимматли ҳужжатлар ҳеч қачон ўз-ўзидан яратилмайди. Улар, аввало, ҳаётий заруратнинг тақозосига кўра ишлаб чиқилади. Ҳар қандай қонунни яратишда ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинади. Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунлар бевосита ана шундай ҳаётий заруратнинг ифодаси бўлиб, уларда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва миллий манфаатлари, мақсад ва интилишлари мужассамлаштирилганлиги билан юксак аҳамият касб этади.

Институтимиз қонунларни яратиш жараёнида тўла иштирок этади. Жумладан, тайёрланган қонун лойиҳаларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига нечоғлик мос келиши, уйғунлигини аниқлаш, зарур хулосалар чиқариш бизнинг асосий вазифамиздир. Қонун лойиҳаларига квоталар тайёрлаш ҳам бизнинг зиммамиздадир. Яъни халқаро амалиётда мавжуд бўлган нормаларга қонун лойиҳаларининг нечоғлик уйғунлик касб этиши масаласини кўриб чиқамиз. Жаҳон тажрибаси, халқаро нормаларни ҳар томонлама ўрганиш асосида уларнинг руҳини қонунчилигимизга сингдириш ва мазмунини бойитишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаяпмиз. Шу билан бирга қонунлар лойиҳасини тайёрлашда нафақат ўзимизнинг мутахассислар, олим-амалиётчилар, балки хорижлик олимлар, экспертлар, халқаро ташкилотларнинг экспертларини ҳам кенг жалб этмоқдамизки, бу ҳам қонунларимизнинг мукаммаллигини таъминлайди.

Қонун ижодкорлиги қонунчилик жараёнининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш иккинчи босқич саналади. Шуни инобатга олган ҳолда қўмитамиз томонидан тегишли қонунларнинг жойлардаги амалий ижроси, бунга тўсиқ бўлаётган муаммолар мунтазам ўрганилиб борилмоқда. Бу ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, жойлардаги лоқайдлик, масъулиятни юракдан ҳис этмаслик сингари айрим иллатлар қонунларнинг амалий ижросига тўғаноқ бўлмоқда. Ҳатто қонунни билган, уни ҳурмат қилган баъзи бир раҳбар шахслар ҳам қонун бузувчиларга нисбатан лоқайдлик билан муносабатда бўлади. Қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат қилиш, бажариш билангина кифояланиб қолмасдан, қонунларимизнинг ижро қилинмай қолган ҳолатларига ҳам қарши кураш олиб борсак, қонунларимизнинг таъсирчанлиги янада ошади.

Мурод ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги Халқаро ҳуқуқий бошқармасининг бошлиғи

Инсоният цивилизацияси бугун шундай маррага етиб келдики, бирон-бир давлатнинг ўз ҳолича яшаши мумкин бўлмай қолди. Шу маънода мамлакатимиз келажаги ҳам унинг жаҳон ҳамжамиятига қай даражада қўшилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хўш, ўтган ўн йил ичида бу борада қандай натижаларга эришилди? Аввало, мамлакатимиз истиқлол йилларида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Энг муҳими, ўтган давр ичида республикамиз ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига берилмаслик негизида қуришга ҳаракат қилмоқда. Бу тамойиллар халқаро муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва улар негизида яратилган ҳуқуқий норматив ҳужжатларда янада чуқурлаштирилган. Жумладан, **"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"**ги, **"Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисида"**ги ва бошқа бир қанча қонунлар, шунингдек, кўплаб ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилиндики, булар ташқи алоқаларни кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш учун кенг ҳуқуқий имкониятлар яратди. Шу тариқа ташқи сиёсий, иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи миллий қонунчилик асослари яратилди. Мазкур қонунлар мажмуининг яратилиши бевосита мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамда халқаро миқёсда интеграция жараёнларининг жадаллашувига, халқаро ҳамкорлик муносабатлари кучайишига, ўзига хос халқаро меъёрий ҳужжатлар, қоидалар, андозалар таркиб топишига олиб келди.

Эндиликда республикамиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кўплаб халқаро шартномалар тизимига қўшилди. Давлатимиз 10 йил ичида 150 дан зиёд халқаро конвенцияни, имзолади.

Мамлакатимиз БМТнинг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия коорпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди.

БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи комиссияси ҳамда бошқа ташкилотлар республикамизда ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди.

Шунингдек, юртимизда кўплаб хорижий фирма, банк ва компанияларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Айни пайтда минглаб хўжалик субъектлари ташқи бозорга бевосита чиқиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро алоқалар мазмунан ва шаклан кенгайиб бормоқда. Республикамизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори, нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораяпти. Бу эса ўз навбатида Адлия вазирлиги ва унинг тузилмалари олдига халқаро шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаш вазифасини қўяди.

Адлия вазирлиги бу даврда бир қанча давлатлар, чунончи, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Украина, Грузия, Белорус, Корея Республикалари ҳамда Россия Федерацияси Адлия вазирликлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолади. Бу битимлар мазкур давлатлар ҳуқуқшунослари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни кўзда тутади. Жумладан:

- ҳуқуқий тузилма ва қонунлар ҳақида ўзаро ахборот айрибошлаш;
- адлия органлари тизими билан яқинроқ танишиш мақсадида делегациялар жўнатиш ва қабул қилиш;
- ҳуқуқшуносларни тайёрлаш, ахборот узатишда мутахассислар алмашиш;
- қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш;
- ҳуқуқшуносликда фани ва амалиёти юзасидан симпозиум, конференция, семинарлар ўтказиш каби.

Халқаро алоқалар миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Бу жараённинг ҳуқуқий асосларини мукаммаллаштириб бориш зиммамизда турган залворли вазифадир.

Шуҳрат ЧУЛЛИЕВ,
Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бошлиғи

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган ўн йил давомида миллий қонунчилигимизда туб ўзгаришлар юзага келди. Давлат қурилиши, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг энг муҳимларини белгилайдиган бўлсак, давлат қурилиши соҳасида — сайлов тизими, Конституциявий суд, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, судлар, прокуратура, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонунларни таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Иқтисодий соҳада эса тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш, акционерлик жамиятлари, бюджет тизими, лизинг, реклама, банкротлик тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини ривожлантиришда қатъий замин яратди.

Ижтимоий соҳада — оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, нафақа билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳам ўзининг кенг қамровли мазмун-моҳияти билан катта аҳамият касб этаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Мазкур қонунларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, биринчидан, улар ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бу қонунларнинг халқчил эканлигидан далолат беради. Иккинчидан, бу қонунлар жамиятдаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қиладиган қоидаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ўтган 10 йил давомида қабул қилинган қонунлар, энг аввало, мазмун-моҳияти билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва эн

Мулоҳаза учун мавзу

РЕКЛАМА ҚОНУНГА МОСМИ?

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 22 та сигарет чеккан киши уран билан заҳарланган киши ҳолига тушар экан. Ўпка раки билан касалланган инсонларнинг 90 фоизи чекувчилардир. Ер юзида ҳозир 1 миллиард чекувчи бор. Деярли ҳамма ҳолатларда гиёҳвандлик кашандаликдан бошланади.

Ер юзидаги миллий кўриниш, диний эътиқод ёки жуғрофий чегара билмайдиган маҳсулот тури, шунингдек, кенг тарғибот қилиниб, энг кўп истеъмол қилинадигани ҳам — тамаки. Одамларнинг соғлигига энг кўп зарар етказувчи маҳсулот турларидан бири яна тамакидир. Унинг кони зарар эканлигини билиб туриб, ишлаб чиқарадиган, сотадиган, тарғибот қиладиганлар, шунингдек, истеъмол қиладиган ақлли ва ягона истеъмолчи эса дунёнинг энг ақлли гултожи — ИНСОНДИР.

Кейинги пайтда юртимизда сигарет ташвиқоти (рекламаси) сезиларли равишда кўпайди. "XON ULTRA LAIONTS" билан "PINE"ни деярли ҳамма кўчаларда катта-катта полотноларда учратаётган бўлсак, "L&M", "LAISKY STRIKE" сигаретлари рекламалари метро поездининг ҳамма вагонларида, "MOND" эса шундоқ бекатларга кираверишда ўзига чорлаб турибди. Сигареталарнинг эфирдаги эркинлиги ҳам кенгайди. Масалан, "XON" ҳар чоршанба ўзи ўтказган ўйин натижаларини — "XON" қолибларини эфир орқали эълон қилиш билан бирга ўзини тарғибот қилаётган бўлса, тамаки маҳсулотлари рекламасининг соат 22 00 дан кейинги эфир ҳажми яна-да кўпайди. Масалан, 7 дан 70 гача ҳамма севиб томоша қиладиган "Ёшлар" телеканалида бу вақтда тамаки рекламалари реклама вақтининг қарийб 70 фоизини забт этмоқда.

Бу қайдлар нимадан далолат беради? Демак, кўча-куйда, транспортда, оммавий ахборот воситаларида турли сигарета рекламаси кўпайдими — истеъмолчи кўпайди, кашанданинг сони ортди, юртимизга олиб келинаётган тамаки маҳсулотларининг миқдори ҳам, тури ҳам кенгайди. Сигарет чекиш инсон саломатлигига фақат зарар етказишини назарда тутсак, бу ҳолат нақадар ташвишли ҳамда соғлом турмуш тарзига, келажак авлод саломатлигига ҳужум эканлигини англаймиз.

Қўйингки, тамаки маҳсулотлари рекламасининг қандай маънавий аҳамияти бор? Маърифий ўрни қанақа?

Тўғри, маҳсулот рекламасига маънавий, маърифий деган вазифалар юкланмайди. Лекин у бу хусусиятларга дахл ҳам қилмасин-да! Пойтахтимиз кўчаларидаги сигареталар сурати солинган улкан-улкан полатнолар, эфирдаги ташвиқотлар — хуллас, тамаки рекламаси бизни нимага ундамоқда, бизга қандай ҳаётни ваъда бераяпти, миллатимиз келажагига хизмати қанақа бўлади — бизнингча, бу ўйлаб кўришга арзийдиган масала. Негаки, кўчадаги ҳар бир ёзув, эфирдаги ҳар бир дақиқа, жамоат жойидаги ҳар бир тасвир мафкура қуроли эканлигини унутмаслик зарур. Мафкура сигарета қолдиғи каби моддий бўлса, қани эдики, уни ахлат қутисига "мана йўқ қилдим", деб ташлаб юбориб, қутула қолсак. У бизнинг миямизга, фикримизга, онгу шууримизга ўрнашиб қоладики, танадаги қон билан бирга бир умр вужудимизда айланиб юради. Шунинг учун соғлом қарашларни мафкурага айлантириш керак бўлади. Инсониятга, унинг иқболига хизмат қиладиган нарсалар тарғиботташвиқот қилинса маъқул.

Бир ижтимоий йўналишдаги реклама бўларди. Унда ҳар бир даврдаги ўлим қуроллари кўрсатилади. Масалан, қадимги даврда ўқ ва камон, ўрта асрларда милтиқ, кейинги давр ўлим қуроли — замбарак. XX асрдаги инсоният қушандаси атом бомбаси, дея таърифланади. XXI асрга келганда эса, ҳеч кутилмаганда, планеталараро учиб юрувчи бомба ёки ракеталар эмас, бир дона сигарета кўрсатилади. Европанинг баъзи давлатларида эшитишимизча, тамаки рекламаси тақиқланган. Яқинда Россия думаси ҳам тамаки ва спиртли маҳсулотлар рекламасини тақиқловчи қонунни ёқлаб овоз берди. Сигарет зарари инсониятга атом бомбасидан кўпроқ хавфли бўлаётганлигини, бизнингча, биз айтган реклама ва мисолларсиз ҳам ҳамма билади, тушунади. Энди ўша билган ва тушунган нарсага амал қилинса эди...

"Реклама тўғрисида"ги қонунда тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқланмаган. Лекин унга бир қанча чегараловчи талаблар қўйилганки, улар қандай бажарилаяпти, деган саволни бемалол қўйиш мумкин.

Эфирда "PINE" рекламаси кетаяпти. Шарқ якка курашидан сабоқлашаётган устоз ва қиз шогирдга қора нинзалар ҳужум қилиб қолишади. Усуллар қўллаб деярли душманлар бартараф қилинаёзганда, овоз келади: "Стоп снята". Ва бу жараённи суратга олаётган камера ва режиссёр кўринади. Шунда йиғилган нинзалардан бири бўлса керак, югуриб келиб стол устидаги "PINE" сигаретини олади. Қулоғингизга эса "PINE — қутганингдан ҳам зиёда" — деган овоз урилади. Ушбу рекламани кўрган ҳар бир киши, айниқса, ёшлар "PINE"ни чекиш жисмоний қувватни оширар экан, деган хулосага келиши мумкин. **"Реклама тўғрисида"**ги қонуннинг 23-моддасида эса " **Тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкоголли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкоголлик ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш қилишдан иборат бўлмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак",** дейилган.

Метрода ажойиб реклама пайдо бўлди. "L&M" сигаретининг рекламасида айтилишича, бу сигаретнинг аъло сифатлилигини билишнинг йўли бор экан. Биринчиси, Ўзбекистон аксиз маркаси мавжуд бўлса, иккинчиси чекишнинг зарари тўғрисидаги ўзбек тилидаги огоҳлантирувчи ёзув. Ташвиқотнинг бундан бошқа ватанпарварлик йўли йўқ эдими, ажабланиб, ҳам хавотирланиб қўясан киши.

"XON" сигаретаси ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани учунми, унга миллий сифат беришга уринаяпмиз. "XON" қутисидаги деярли Амир Темур бобомиз ҳайкалига ўхшаш хон ҳайкали бор сигаретларни ўзимизга яқин олиб шундай таърифлаймиз: "Шубҳасиз ўзимизникидир". Унинг ўзимизда чиқарилаётгани учун бу таърифни берсак ўринли бўлар. Лекин бу сўзларни миллий ифтихор сифатида айтишга, умуман миллий ифтихор тўйғусини ҳар қандай нарсага ҳам қаратаверишга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман. Ифтихор тўйғуси, айниқса, миллий ифтихор авлоддан авлодга ўтади, у мерос суради. Фарзандларимизга нимадан ғурурланиш кераклигини, уларнинг ифтихорини бугун биз ўз ҳаракатларимиз, ифтихорларимиз орқали мерос қилиб белгилаб бераётганлигимизни ҳеч ҳам унутмаслигимиз шарт. Дарвоқе, ҳозир эфирда кетаётган "XON ULTRA LAIGHTS" рекламасининг охирида ҳар доим "Шубҳасиз ўзимизникидир" деб такрорлаб турилганлиги билан реклама оҳанги сал даҳалроқ, "мени аввалги деб ўйлаяпсанми" дея киноя қилиб сенлаши, кулиб қўйишлари ноўзбекона, нописандона бўлиб туюлади. "Ҳа, айтгандек, сифат — менинг бошқа шарифим" дейилиши гўё "L&M"нинг метродаги сифат кўрсаткичи талабларини эслатади — хўш, ўша сифатидан истеъмолчига нима фойда бўлади? Камроқ заҳарланади, дейилмоқчи-да, тўғрими?! Умуман заҳарланмаса-чи? Мана шу яхшироқ эмасми?

Кашандалик муаммосини ечишнинг йўли мураккаб туюлар. Лекин унинг тарғиботи билан шуғулланмаслик у қадар оғир эмас-ку!

Биз мақола сўнггида унинг соғлиқга, иқтисодга (чўнтакка демоқчимиз. Энг арзон сигарета нархи 200 сўмдан кам эмас) зарари ҳақида эмас, қолдиғининг атроф-муҳитга бераётган зарари ҳақидаги бир неча мисолларни айтиш билан кифояланамиз. Сигарет қолдиқларининг тартибсиз ҳар жойга ташлаб кетилишидан кўчаларимиз ва майдонларимиз нақадар хунук бир аҳволга келаётганлигини кўя турайлик. Ўтган май ойининг ўзида Тошкент шаҳрида қуриган ўт-ўланларнинг ёниши билан боғлиқ 140 ҳодиса рўй берган. Уларнинг кўплари айнан сигарета қолдиғидан ўт чиқиши орқали содир бўлганлигини қандай изоҳлаймиз? Масалан, Ҳамза туманининг Боткина кўчасида жойлашган "Ташсельмаш" мусиқа саройи ҳудудида сигарет қолдиғидан ўт чиқиб 600 квадрат метр майдондаги қуриган ўт-ўлан ёниб кетган. Сирғали туманида ҳам 250 квадрат метр майдондаги ўт-ўланлар ёнғинига сигарет қолдиғи сабабчи бўлибди.

Булар биргина сигарет қолдиғининг кўзга кўринадиган, кўл билан ўлчаб бўладиган зарарларидир. Унинг ўзининг зарари, хусусан, кўзга кўринмас зарарлари ҳақида эса гапиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Буни ҳаммамиз биламиз. Фақат нуқсонимиз шуки, билган нарсамизга амал қилмаймиз-да. Унинг тарғиботидан ўзимизни тийиб туролмаяпмиз-да.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
журналист

«СУРХОНСАВДО»

ҳудудий савдо ишлаб чиқариш акционерлик компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини якинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами билан қутлайди.

Юртимиз тинч, осуда, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин!

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

— Биласанми, Мэри, кичик қизимиз вояга етиб қолди. Бугун мен у билан аёл ва эркаклар ўртасидаги муносабат тўғрисида гаплашдим.

— Хўш, бирор янги нарса билиб олдингми?..

* * *

Хотин эрига:

— Олимларнинг ҳисобига кўра, ўртача одам бир кунда ўн мингта сўз айта оларкан.

— О, жоним, бу жиҳатдан сен ўртача эмассан.

* * *

Чўкаётган қиз даҳшат билан қичқирди:

— Қутқаринглар! Қутқаринглар! Йўқ, сиз эмас, анави қорамағиз йигит қутқарсин.

* * *

— Бугун врачга борувдик, иккита тишимни суғуриб олди.

— Нега? Битта тишинг оғрирди-ку?

— Врачнинг эллик кронга майдаси йўқ экан-да.

* * *

— Трамвай тўхтамагунча, сакраманг.

— Мен касалхонага шошиляпман.

— Э-э, ундай бўлса, марҳамат!

ОЗОДЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ!

Биронта жонзот тутқунликни истамаганда нега онгли-ҳушли инсон ўзига маҳбусликни раво кўради?

Ҳақиқий озодликнинг қадрига етган юртдошларимиз Озод Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун фидойилик билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Озодликни қадрламаган инсонлар эса турли жиноятларни содир этиб, темир панжара ортида тутқунликда ўтиришибди. Бундай кимсаларга ёруғ кунларнинг қадрига етдингизми?" - дея хитоб қилгингиз келади беихтиёр.

Мен суд мажлисларида айбдорларни муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суд ҳукмини ўқиб эшиттираётганимда, кўпинча ич-ичимдан ҳаяжонланаман. Очиғи, ич-ичимда қийналаман. Кейин эса "наилож, қилмишига яраша жазо олди-да", деб ўзимга таскин бераман. Зеро, судланувчи шу кунларнинг қадрига етиб, меҳнат билан банд бўлганида ёки аввалги содир этган жиноятидан заррача бўлса ҳам хулоса чиқарганида эди, суднинг қора курсисига қайта ўтирмас эди.

Поп туманнинг Тўда қишлоғида яшовчи Эркин Жумаев озодлик неъматидан бир эмас, икки маротаба маҳрум этилганлардан. У 1994 йилда қилган жинояти учун Поп туман суди томонидан 9 йилга озодликдан маҳрум этилган ва 1999 йилда Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонига биноан жазонинг ўталмаган қисмидан озод этилган. Унинг шериги Мухтор Абдуллаев эса Поп туманининг Санг қишлоғидан. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. 1994 йилда Поп туман суди томонидан ЖКнинг 169 моддаси 1-қисми билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазони шартли равишда ўтаган. Хусусий корхонада ишчи бўлиб ишлаган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу икки шахс муқаддам содир этган жиноятлардан тегишли хулоса чиқариб олмаган. Эркинни-ку ўйланмаган дейлик, Мухтор-чи? Ахир у 3 нафар фарзанди ва хотининнинг эртанги тақдири ҳақида нега ўйламади? Фарзанд тарбияси билан шуғулланиш ҳар бир отанинг муқаддас бурчи-ку! Нега Мухтор бу ҳақда ўйламади? Бу саволларга жавоб йўқ.

Судланувчилар Эркин Жумаев ва Мухтор Абдуллаевлар 2001 йил 12 январь куни спиртли ичимлик ичиб олиб, ўғирлик қилишни режалаштиришади. Сўнг икки улфат Санг қишлоғида яшовчи Садриддин Фазлиддиновнинг уйига девордан ошиб тушиб, ҳовлида турган 20700 сўмлик 180 кг шолини ўғирлаб чиқади. Шоли Алижон Эшматовга қарашли обжувозда оқланиб, гуручни дуч келган нотаниш харидорга 17900 сўмга сотиб юборилади. Ушбу ўғрилик юзасидан тергов ўтказилганда Эркин Жумаев бундан уч кун олдин Тўда қишлоғида яшовчи С.Норматованинг новвосини ўғирлаб, таниши Бахтиёр Жумаевга 55 минг сўмга сотиб юборгани ҳам маълум бўлди. Содир этилган жинояти ошкор бўлгач, Косонсой туман суди томонидан Эркин Жумаев 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. М. Абдуллаев ҳам 3 йиллик умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Муқаддам судланган бу икки ҳамтовоқнинг қайта жиноят содир этганини қандай баҳолаш мумкин? Улар аввалги жиноятлари учун олган жазодан тегишли хулоса чиқариб, фойдали меҳнат билан шуғулланишса бўлмасмиди? Ахир, улар ҳам инсон-ку! Нечун улар инсон сифатида шу ёруғ дунё, мусаффо ҳаво ва қуёшдан баҳраманд бўлиб яшамайди, эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилмайди??!

Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида яшовчи Баҳром Ибранов ва Акмалхон Саидғаниевларнинг тақдири ҳам ғоят ачинарли. Улар ҳам туман судининг ҳукми билан 1999 йилда бир неча йилга озодликдан маҳрум этилган. Лекин Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонига биноан жазодан муддатидан аввал озод қилинган. Бироқ икковлон ўзларига нисбатан кўрсатилган бу ғамхўрликдан тегишли хулоса чиқармай яна жиноят йўлига киришди.

Бу икки ҳамтовоқ шу йилнинг 13 февралга ўтар кечаси ўғирлик қилиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиришиб, Мозор қишлоғида яшовчи Тўлғоной Ражабованинг ҳовлисига кириб, 24000 сўмлик (икки юз килограмм) гуруч ва 6 минг сўмлик автомашина шинасини ўмариб чиқишади. Ўғирланган нарсаларни яшириб қўйишгандан сўнг уй-уйларига тарқалишади. Бироз вақт ўтгач, нафси ҳакалак отган Баҳром қайта ўғирлик қилиш мақсадида яна ўша ҳовлига кирган вақтда қўшнилар томонидан ушлаб олинади. Шу тариқа ҳамтовоқлар суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Поп туманидаги Чоркесар шаҳарчасида яшовчи, муқаддам Поп тумани судининг ҳукми билан 2 маротаба озодликдан маҳрум этилган Маҳситали Суннатов ҳам ҳаммамиз учун қадрли ва бебаҳо бўлган озодликнинг буюк неъмат эканини тушунмаганлардан саналади. У шу йилнинг 3 январида спиртли ичимлик ичиб олиб, собиқ турмуш ўртоғи Назокат Жумаеванинг уйига бориб, қўлида пичоқ билан уни ўлдирмоқчи бўлиб жанжал кўтарган. Содир этган ана шу жинояти учун у Косонсой туман Жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига кўра 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони қаттиқ тартиб ўрнатилган колонияда ўташ белгиланди.

Юқорида санаб ўтилган кимсалар Озодликнинг қадрига етмади. Оқибатда улар 3 марталаб панжара ортида ҳаёт кечирадиган бўлди. Тинч, осойишта яшаб меҳнат қилиш, фарзандлар даврасида яшаш уларга яна насиб этмади. Калтабинлик, қонунга итоат этмаслик ва текинхўрлик уларни ана шундай оғир аҳволга солди.

Халқимиз озодликнинг нақадар буюк неъмат экани жуда яхши билади. Аммо орамизда қонунларни оёқости қилувчи, текинтомоқ, беўй кимсалар ҳам учраб турибди. Шундайларга қарата, "кўзингизни очинг, озодликнинг қадрига етинг, кейин пушаймон бўлманг!" — дея ҳайқиргимиз келади.

Ҳасанбой ТОЖИБОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг раиси

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди жамоаси суд фахрийси **МУСЛИМОВА ЗУҲРА ЮСУПОВНАнинг** вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Мақсад — маломатмас, моҳият!

ЎХШАТИШ ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Газетамизнинг ўтган сонида журналист Акбар Жонузоқов қаламига мансуб "Қодирийнинг муаллифлик ҳуқуқи" мақоласи чоп этилган эди. Унда хонанда Шуҳрат Қаюмов Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари — "Ўткан кунлар" романи сюжетига ўхшаш тарзда яратган клиплари хусусида мулоҳаза юритилган эди. Мақола юзасидан газетхонлардан кўплаб мактублар олдик. Уларда кимдир хонанданинг ёнини олса, яна биров журналистнинг мулоҳазаларини маъқуллайди. Ана шундай кўпсонли ёзишмалар ичида битта қўлёзма нусхаси эътиборимизни кўпроқ жалб этди. Гап шундаки, "журналист—ёзувчи" (шундай деб имзо қўйган) Дилшод Қўлдошевнинг ёзишича, журналист Акбар Жонузоқов хонанда Шуҳрат Қаюмовга беўрин "тош" отган — унинг клиплари Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асари асосида эмас, балки ўзининг (яъни Дилшод Қўлдошевнинг) ҳали чоп этилмаган "Ҳадя этилган муҳаббат" романи асосида суратга олинган экан. Муаллифнинг изоҳлашича, у бундан бир ярим йил аввал "устоз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асаридан илҳомланиб, Кумушдек ўз муҳаббатига содиқ қиз бизнинг замонамизда ҳам бўлишини истаб, янги бир ғоя билан "Ҳадя этилган муҳаббат" деб номланувчи романни ёзишни бошлаган. Ярим йилнинг ичида 480 саҳифадан иборат асарни ёзиб тугатган. Ёзувчи сифатида "Қодирий бобо"сига ўхшагиси келгани боис асарида Отабек, Кумуш ва Зайнаб образини яратибди. Роман воқеалари клип сюжетига ўхшаш тарзда кечар экан. Муаллиф хонанда Шуҳрат Қаюмов билан шахсан таниш бўлгани учун асар қўлёзмасини ўқишга берган ва у асосида клип яратиш мумкинлигини айтган. Асар хонандага ёққан ва у асосда кўпчиликка таниш бўлган клиплар суратга олинган. Шу тариқа бу ўринда ҳеч кимнинг муаллифлик ҳуқуқи бузилмаган. Журналист Акбар Жонузоқов "Америка очмоқчи" бўлиб, ўйламасдан аюҳаннос солган - "мевали дарахтга тош отган". Дилшод Қўлдошевнинг фикрича, журналист мақола ёзишдан аввал бу ҳақда обдон суриштириши, жиллақурса, хонандага қўнғироқ қилиб сўраши лозим экан.

Таёқнинг икки учи бўлганидек, Дилшод Қўлдошевнинг иддаосини ўқиб, бизда бошқа бир мулоҳаза туғилди. Хўп, воқеа у айтганча бўла қолсин, лекин томошабин шундай тушунармикан? Қолаверса, масалани айнан шу тахлитда қўндаланг қўйиш мантиқан тўғрими? Бундан ташқари айримларнинг кўнглида "Шуҳрат Қаюмов сиздан рухсат олибди, бу яхши, лекин асарингиз нега Қодирийникига ўхшаш?" — деган иштибоҳ ҳам туғилган бўлса, не ажаб?! Яна шу ўринда масаланинг маънавий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтиш жоизмиди? Ахир, "Ўткан кунлар" аллақачон миллий маънавиятимиз мулкига айланган. Шундай экан, бу борада ўйлаб иш тутган маъқул эмасми?

Комрон МИРЗО

***ТАҲРИРИЯТДАН:** ушбу мулоҳазаларни чоп этишдан мақсад бошланган мунозарага ойдинлик киритиш, холос. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, газета эркин фикр билдириш минбари ҳисобланади. Шундай экан, таҳририятнинг кимнидир қоралаш ёхуд оқлаш нияти йўқ.*

— Қаранг, қандай баланддаман!

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон ,кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: **С. ЭРГАШЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **Д. БЕКМУРОДОВА**
Компьютер оператори: **М. ЯХНАЕВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.